Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 215 (20. 482) • 1989 йил 17 сентябрь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев 13 сентябрь кўни КПСС Марказий Комитетида Литва ССР, Латвия ССР ва Эстония ССР раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари А.-М. К. Бразаускас, Я. Я. Вагрис, В. И. Вяляс, республикалар Олий Советлари Президиумларининг Раислари В. С. Астраускас, А. В. Горбунов, А. Ф. Рюйтель, республикалар Министрлар Советларининг Раислари В. В. Сакалаускас, В.-Э. Г. Бресис, И. Х. Тооме қатнашдилар.

Компартиялар Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари ўз республикаларидаги аҳвол, КПСС Марказий Комитетининг Баёноти қандай кутиб олингани ҳақида ахборот бердилар, вужудга келган муаммоларни ҳал қилишга ўзлари қандай ёндашаётганликларини баён қилдилар. Республикаларнинг экономикаси мутлақо нормал ривожланаётганлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш планлари муваффақиятли бажарилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Лекин сиёсий вазият мураккаб бўлиб турибди. Бу вазият ҳақли равишда ташвиш уйғотмоқда, бундай ташвиш КПСС Марказий Комитетининг Баёнотида ўз ифодасини топди. Болтиқбўйидаги республикалардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари бор, сиёсий кучларнинг мавқеига баҳо беришда ҳам, қайта қуришни олға силжитишнинг, миллатлараро муаммоларни ҳал қилишнинг энг мақбул йўлларини қидириб топишда ҳам ана шу хусусиятларни ҳисобга олиш зарур.

Суҳбат чоғида одамларнинг сиёсий фаоллиги жўшқин ошиб бораётган шароитда бир-бирига қарама-қарши кайфиятлар ва тараққиётнинг йўлларини излашнинг мураккаб чигалликларида Компартияларнинг Марказий Комитетлари, партия ташкилотлари ҳамиша ҳам тўғри йўналишни топа олмаётганликлари ҳақида гапирилди. Иш одатдан ташқари вазиятларда ташкилотчилик ишлари ва мафкуравий ишлар тажрибаси етишмаётганлигига ҳамда кадрларни тайёрлаш савиясига бориб тақалмоқда. Очиқдан-очиқ экстремистларга хос қараш-ларга, қонунчилик соҳасида у ёки бу таклифлар ҳамда конкрет ишларга сиёсий баҳо беришда ҳамиша ҳам қатъият етишмаяпти.

Принципиал позицияда туриб мулоқот олиб бориш, партия йўлини белгилашдаги рўй-ростлик, барча соғлом қайта қуриш кучларини бирлаштириш, вазиятларни баён қилиб беришдаги аниқ-равшанлик — кескинликни бартараф этишнинг, миллатлараро муносабатлардаги англашилмовчиликларга барҳам беришнинг бирдан-бир йўлидир. Учрашув қатнашчилари ана шундай умумий хулосага келдилар.

Республикалар Компартиялари мавқеини, уларнинг мустақиллигини ошириш, уларга КПССнинг ягона Программаси ва Устави доирасида бир қанча ташкилий, молиявий масалаларни, кадрлар масаласини, бошқа масалаларни ўзлари ҳал қилиш, республикаларнинг ўзига хос конкрет хусусиятлари, уларнинг анъаналари билан мувофиқлаштириб амалга ошириладиган ҳаракатларни ишлаб чиқиш имкониятини бериш зарурлиги тўғрисидаги масалага тўхталб ўтилди.

Совет федерациясини ривожлантириш, республикаларнинг суверенитетини мустаҳкамлаш, иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш муаммолари юзасидан бир қанча мулоҳазалар айтилди. Ана шу муаммолар хусусида энг ўткир баҳслар бораётганлиги таъкидланди. Совет Болтиқбўйи меҳнаткашлари ўз келажакларини ССР Иттифоқи таркибида деб ҳисоблаб, республикаларнинг суверенитетини сиёсий ва иқтисодий мазмун билан реал равишда тўлдириш, уларни тезроқ хўжалик ҳисобига ўтказишни ёқлаб чиқмоқдалар. Шу сабабли бу ишдаги ҳар қандай пайсалга солиш, маҳкамачилик манфаатларини кўзлаб ёндашиш салбий баҳоланмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг иши тўғрисида ташвишланиб гапирилди. Матбуотнинг чиқишлари ҳамиша ҳам қайта қуришнинг бунёдкорлик мақсадларига қаратилмаганлиги, кўпинча совет кишиларининг чинакам манфаатларига ёт бўлган эски ва янги ранж-аламлар ботқоғига, ўзаро эътирозлар, ташвишлар ботқоғига судраётганлиги таъкидлаб ўтилди. Марказий оммавий ахборот воситалари Совет Болтиқбўйида юз бераётган жараёнларнинг моҳиятини, уларнинг бир тусда эмаслигини англаб етишга кўпроқ тадбиркорлик кўрсатишлари, воқеаларни одоб доирасидан чиқмай хабар қилишлари лозим, деган истак билдирилди.

М. С. Горбачев учрашувда гапириб, қайта қуриш жараёни реал ўзгаришлар босқичига қадам қўйганлигини, меҳнат коллективларига ҳам, иттифоқдош республикаларга, партияга, барча сиёсий ва ижтимоий муассасаларга ҳам дахл қилаётганлигини таъкидлади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазифаларни муҳокама этиш ва ҳал қилишга меҳнаткашлар оммаси тобора фаол қўшилмоқда. Жамиятда ҳозир яратилаётган замин келгуси ўн йилликларда давлат тақдирини белгилаб беришини тушуниб етиш мустаҳкамланиб бормоқда. Одамлар хом хаёллардан, оддий ва юзаки қарорларнинг мўъжизакор кучига ишонишдан, ҳамма муаммоларни улар учун юқоридан кимдир ҳал қилиб беришига ишонишдан ҳоли бўлмоқдалар. Қайта қуриш энг аввало меҳнат билан — қизғин, юксак унумли, ижодий меҳнат билан, интизом, тартиб билан, хўжасизликка қарши кураш билан боғлиқ, деган фикр ҳамма жойда қарор топмоқда.

Ҳозирги пайтнинг ўзига хос жиҳати ва эҳтимол, асосий қийинчилиги шундаки, бугунги кунда ҳал қилинаётган, мамлакатни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқадиган истиқбол вазифалари одамларнинг кундалик эҳтиёжларини акс эттирувчи энг долзарб муаммоларга тўғнаш келмоқда. Товарларнинг етишмаслиги ҳам, экология ҳам ана шундай муаммолардир. Фаол ҳаракат қилиш, йўналишни йўқотмаслик, вақимага тушмаслик, ташаббусни бўшаштирмаслик керак. Партия ҳозир жамиятда амалга оширилаётган жараёнларни бошлаб берди, бинобарин унинг фаол ҳаракат қилишга реал ҳуқуқи бор.

Жипслашиш, бир-бирига пешвоз келиш, оқилона келишув йўлларини излаш кевак. Аммо учта принципиал муҳим қоида борки, совет халқининг ва Болтиқбўйи халқларининг манфаатларини кўзлайдиган бўлсак, бу қоидалардан чекинишга ҳақ-қимиз йўқ.

Биринчиси. Барча муаммоларимизни фақат федерация доирасида, ҳаммамиз биргаликда ҳал қилишимиз мумкин.

Иккинчиси, Партиямизнинг бирлиги. Партия қайта қуришнинг ва миллий тикланиш жараёнининг асосий кафолотчисидир. Партиядан бошқа ҳеч ким бу ишни режали ва собитқадамлик билан амалга оширолмайди ва охиригача етказолмайди.

Учинчиси. Барча миллатлар гражданларининг ҳуқуқлари тенглиги.

Буларнинг ҳаммаси партия миллий сиёсатининг асосий бўғинлари, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш шартидир. Ҳар бир республика, ҳар бир регион бошқа республикалар ва регионлар билан, бутун мамлакат билан минглаб хўжалик, ижтимоий, маданий-илмий-техникавий ва шунчаки оддий инсоний алоқалар билан боғланган. Айтиш мумкинки, биз бир-биримизга ёпишиб кетганмиз.

Ҳозир биз вазиятни ана шу жонли алоқалар бузила бошлаган даражага олиб борсак, деди М. С. Горбачев, республикаларни, мамлакатни бир неча ўн йилларга орқага улоқтириб ташлаган бўлардик. Фақат бир мисол келтираман: Латвиядаги «РАФ» заводига мамлакатдаги юзлаб корхоналар маҳсулот етказиб беради.

КПСС платформасининг лойиҳаси илғор бўлиб, асосий масалада — сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг бутун комплексини амалий ҳал қилишда, хўжалик ҳисобини жорий этиш ва шу орқали иқтисодий мустақиллик ва масъулиятни мустаҳкамлашда, суверенитетни реал мазмун билан тўлдиришда тўғри йўналишни белгилаб беради.

Ана шу йўлдан қатъият билан бориш лозим. Умумий мулоҳазалар ва декларациялар билан ўралашиб қолмай, бутун диққат-эътиборни корхоналарни тўла хўжалик ҳисобига ўтказишга тайёрлашга доир конкрет ишларга, солиқларни, бошқа иқтисодий нормативларни батафсил ҳисоб-китоб қилиб чиқишга, корхоналарнинг бошқа корхоналар билан мураккаб алоқаларининг бутун системасини, ташкилий шаклларини ишлаб чиқишга қаратиш керак.

Гап корхоналарнинг кимга бўйсунишини шунчаки ўзгартириш, бир бюрократияни иккинчиси билан алмаштириш тўғрисида эмас, балки чуқур меҳнат тақсимоти афзалликларидан фойдаланиш, маҳкамачилик ғовларини бартараф этиш, ташаббускорликка кенг йўл очиш тўғрисида бориши керак Жонли алоқалар узиб ташланмасин, интеграция реалликларига асосланиб иш тутилсин, унинг самарадорлигини оширишга эришилсин.

Республика ва иттифоқ хўжалик комплексларини энг мақбул равишда қўшиб олиб бориш йўли топилиши, ягона иттифоқ халқ хўжалик комплекси доирасида иқтисодий мустақиллик сари боришнинг босқичлари белгилаб олиниши лозим. Бу соҳада назарий жиҳатдан объектив қийинчиликлар бор: мулк муаммоси каби муҳим муаммо илмий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган. Бу соҳада биз, деди М. С. Горбачев, янги улкан қатламни ўзлаштиряпмиз, регионал ва республика мустақиллигини янги муносабатлар заминига кўчиришга имкон берадиган иқтисодий сиёсатнинг асосларини яратяпмиз.

Регионал хўжалик ҳисоби республикаларга мумкин қадар кўпроқ ҳуқуқ бериши, бироқ федерация берадиган афзалликларни, молия, кредит ва пул соҳасида умумдавлат (иттифоқ) сиёсатини ўтказиш имкониятларини йўқ қа чиқармаслиги лозим. Бу ўринда ҳам унинг маъмуриятчилик-буйруқбозлик асосларини иқтисодий асослар билан алмаштириш муҳимдир.

Биргалашиб мураккаб масалаларни ҳал қилиш йўлларини излаш, хўжалик ҳисоби алоқалари барча даражаларини қонуний ва методик таъминлаш масалаларини ишлаб чиқиш учун мутахассислар ва олимларнинг нуфузли иттифоқ-республика ишчи группаларини тузиш лозим. Натижада республикалараро меҳнат тақсимоти практикасига янги имкониятлар очиб бериш, уни тўпланиб қолган бузилишлардан тозалаш, оқилона ихтисослаштириш ва интеграциялаш орқали ютиб чиқиш мумкин бўлади.

Одамларнинг кайфияти ва орзу-умидлари хўжалик ҳисоби билан, хўжалик ҳисоби орқали корхоналарда ташаббускорликка кенг йўл очиб бериш билан боғлиқ. Бу ишончни оқлаш муҳимдир. Бу — катта сиёсатга, барча даражаларда манфаатдорлик, тўпланган бутун илмий, ишлаб чиқариш ва кадрлар потенциалидан фойдаланиш механизмини реал равишда ишга солишга доир масаладир. Бу соҳада ҳеч қандай тўсқинликка йўл қўйиб бўлмайди.

М. С. Горбачев республикалар суверенитетининг сиёсий ва ҳуқуқий мазмуни тўғрисида гапириб, бу ўз тарихига эга бўлган кўп жиҳатли катта масала эканлигини таъкидлади. Назария ҳам, амалиёт ҳам барча ҳодисаларнинг сабаблари ва оқибатлари бир-бирига боғлиқлигиниг комплекс тарзда олиши керак, акс ҳолда федерацияни ривожлантириш йўллари тўғрисида фақат ҳис-туйғуларга асосланган хом хаёл шаклланади.

КПСС платформаси федерациямизни такомиллаштириш принципларини белгилаб берар экан, ана шу барча вазиятларни ҳисобга олади. Федерациянинг бутун имкониятларини рўёбга чиқариш керак. Федерация доирасида республикаларнинг суверенитети барча йўналишларда кенг имкониятларга эга бўлиши мумкин.

М. С. Горбачев партия турмушини янада демократиялаш, ошкоралик, партиявий раҳбарлик усулларини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берди. Фақат партия сафлари бирлашган, жамиятдаги барча соғлом кучлар жипслашган, жамиятда партия боғлаб, жипслаштириб турувчи роль ўйнаган тақдирлагина, қайта қуриш йўлларида муваффақиятга эришиш мумкинлиги айтилди. Мамлакатда экономика тубдан қайта қурилаётган, ижтимоий-сиёсий турмушнинг турли соҳаларида туб ўзгаришлар бўлаётган, миллий тараққиёт ва миллатлараро муносабатлар муаммолари кескинлашган ҳозирги вақтда бу жуда муҳимдир, деб таъкидлади М. С. Горбачев. КПСС каби қудратли сиёсий ташкилотни ожизлаштириш катта тарихий хато бўлур эди. Шу жиҳатдан қараганда, партия қурилишида федерализм ғояси партия бирлиги учун ҳалокатлидир.

Шу билан бир вақтда иттифоқдош республикалар Компартияларига партия ички турмушига доир муҳим масалаларни ҳал қилишда кўпроқ мустақиллик бериш зарурлиги шубҳа туғдирмайди. Миллий ривожланишнинг реал муаммоларини ҳал этишнинг реал эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олувчи ҳамда федератив социалистик давлат сифатида СССРни мустаҳкамлаш ва унда КПССнинг жипслаштирувчи ролини мустаҳкамлашга доир принципиал масалалар юзасидан аниқ позиция баён қилинган, коллектив асосда ишлаб чиқилган ҳаракат программаси Совет Болтиқбўйи республикалари Компартияларининг обрў-эътиборини оширишда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Халқларнинг ва одамларнинг қаерда яшашидан қатъи назар, уларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган тенг ҳуқуқлилиги принципини изчиллик билан амалга ошириш негизида совет республикаларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш жуда муҳим вазифадир, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Миллий мансублигига қараб гражданларнинг ҳуқуқларини камситишга ҳар қандай уринишга совет давлатчилиги ва инсонпарварлик принципларига қарама-қарши ҳаракат деб қараш лозим.

М. С. Горбачев оммавий ахборот воситаларининг масъулиятли ролига тўхталиб, меҳнат мавзусини матбуот саҳифаларида тиклаш, меҳнат аҳли тўғрисида ёзиш, қайта қуришнинг мевалари пировардида ҳар бир кишининг манфаатдорлик билан қилган қизғин, ижодий ишига боғлиқ эканлигини тушунишни одамларнинг онгига сигдириш лозим, деди. Ҳозирги вақтда газета ва журналларнинг, радио ва телевидениенинг редакцияларидан, пухта ўйлаб ҳақиқатни ёзиш, танқидий таҳлил ва амалийлик талаб қилинади. Улар журналистнинг шахсий ролини, унинг гражданлик позицияси масъулиятини оширишлари лозим. Партия комитетлари журналистлар ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари билан кундалик мулоқот ва иш олиб бориш системасига эга бўлишлари зарур. Бу ишни кимларгадир топшириб қўйиш мумкин эмас, бу — партия ва давлат раҳбарининг бевосита ишидир.

М. С. Горбачев қайта қуриш ўзанидан бораётган, ана шу республикалар ва бутун мамлакат меҳнаткашларининг орзу-умидлари ва ташвишларига мос келадиган ишларда республикаларнинг раҳбарлари бундан буён ҳам КПССнинг мадади ва ишончига таянишлари мумкинлигини таъкидлади.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. Разумовский иштирок этдилар.

(ТАСС).

МАРРА: 150 ТОННА

Пайкалларда кўзланган мажбуриятга яраша ҳосил тўпланди. Пахтакорларнинг асосий вазифаси ана шу ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишдан иборат. Айни чоғда унинг сифатига ҳам алоҳида эътибор бериш даркор. Боғот районидаги «Боғот» совхози пахтакорлари бугунги кунда ана шу руҳда тер тўкишяпти. Механизаторлар машина теримини бошлаш учун шай.

Умида Сафарбоева бу йил машина билан 150 тонна пахта териб беришга аҳд қилган. У ўз агрегатининг мавсумга тайёргарлигини ҳамкасблари билан қўздан кечирди, ундан оқилона фойдаланиш режаларини тузиб олди. Пахтазорни соғинган механизаторлар бугун-эрта ўз аҳдларини бажариш учун ишга отланадилар.

Суратда: механизатор У. Сафарбоева.

О. ИСКАНДАРОВ ва Ш. ИБРОҲИМОВ сурати.

ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАРНИНГ «ҚИЗИЛ КАРВОНИ»

ОҚҚЎРҒОН (Тошкент области), 16 сентябрь. (ЎзТАГ). Бугун областдаги энг катта районлардан бирининг хўжаликлари янги пахта ҳосилининг дастлабки бир неча юз тоннасини топширди. Анъанага мувофиқ пахтани Оққўрғон ва Алимкент заводларига топшириш учун райондаги 12 колхоз ва совхоздан келган автомобиллардан «қизил карвон» ташкил этилди.

Мутахассисларнинг фикрича, район пахтакорлари мўл ҳосил етиштирдилар. Ижара усулининг афзалликлари исботланди, ўнлаб бригадалар ва бўлимлар шу усулда ишлашга ўтдилар.

Оққўрғонликлар бу йил 52 минг тоннадан ортиқ пахта йиғиб оладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

15 сентябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов раислигида аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондириш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни кўриб чиқиш ва амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

Тошкент мотор заводини социал-иқтисодий ривожлантириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Кенг ва амалий фикрлашув чоғида заводни ривожлантиришни жадаллаштириш борасида шошилинч тадбирлар қабул қилиниши зарурлиги таъкидланди. Саноат корхоналари коллективларининг боғдорчилик-узумчилик ширкатларига аъзо бўлишлари учун уларни ер участкалари билан таъминлаш борасидаги асосли далиллари қараб чиқилди. Тошкент шаҳар ижроия комитетига Тошкент ва Сирдарё область ижроия комитетлари билан биргаликда мазкур масалаларни ҳал этиш ва бу ҳақда комиссияни хабардор қилиш таклиф этилди.

Мажлисда шу нарса таъкидландики, республика раҳбарларининг ягона сиёсий кунлар ўтказиш чоғида меҳнаткашлар билан бўлган учрашувларида, партия ва совет органларига келаётган кўпдан-кўп хатларда совун, кир ювиш воситалари, шунингдек қанд-шакар етишмаётганлиги масалалари ўртага қўйилмоқда. Шуздан келиб чиққан ҳолда комиссия ўзининг навбатдаги мажлисларида Тошкент шаҳрида гўшт маҳсулотлари, қанд-шакар, совун ва бошқа кир ювиш воситаларини тақсимлаш масалаларини муҳокама этишга қарор қилди. Республиканинг бир қанча регионларидаги аҳвол билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинади, аҳоли талабэҳтиёжларини қондиришнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш бўйича область комиссияларидан бирининг ҳисоботи тингланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Бир қанча район газеталари нашрини тиклаш, айрим маҳаллий ва кўп тиражли нашрларнинг номларини, ҳажмини, даврийлигини ва бошқа тилларда чиқарилишини қайта йўлга қўйиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Самарқанд области территориясининг бир қисми Бухоро области таркибига ўтказилиши ва бир қанча партия комитетларининг фаолияти қайта тикланиши муносабати билан, шунингдек область, шаҳар, район партия комитетларининг газеталари номларини, уларнинг ҳажмини, даврийлигини ўзгартириш ва ҳозир мавжуд нашрларнинг бошқа тилларда чиқарилиши тўғрисидаги таклифларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шу масала юзасидан қабул қилган қарорида Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги зиммасига область газеталари тиражининг бир қисмини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 16 майдаги фармонига биноан Самарқанд областидан Бухоро областига ўтказилган территорияларда босмадан чиқариш ва тарқатишни амалга ошириш вазифасини юклади.

1990 йилнинг 1 январидан ўзбек тилида «Правда» газетаси ярим форматининг тўрт саҳифаси ҳажмида ҳафтада уч марта ҳар бири уч минг нусхада қўйидаги район газеталарини нашр этишни қайта тиклаш тўғрисида Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Фарғона область партия комитетларининг таклифлари қабул қилинди. Булар: Бўз район партия комитети ва халқ депутатлари район Советининг «Бўз ҳақиқати», Олот ва Пешқу район партия комитетлари ва халқ депутатлари район Советларининг «Янги ҳаёт» ва «Меҳнат зарбдори», Норин ва Чортоқ район партия комитетлари ва халқ депутатлари район Советларининг «Авангард» ва «Чортоқ ҳақиқати», Қўшработ ва Ёзёвон район партия комитетлари ва халқ депутатлари район Советларининг «Қўшрабод» ва «Марказий Фарғона» газеталаридир.

1990 йилнинг 1 январидан Қувасой шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи «Дўстлик байроғи» («Знамя дружбы») газеталарини ўзбек ва рус тилида ҳамда Учқудуқ район партия комитети ва халқ депутатлари район Советининг органи «Достик» («Дружба») газеталарини қозоқ ва рус тилларида «Правда» газетаси ярим форматининг тўрт саҳифаси ҳажмида, ҳафтада уч марта, дастлаб ҳар бири икки минг нусхада нашр этилишини йўлга қўйиш кўзда тутилди. Партия комитетларига газета сонида тиллар бўйича нисбатни мустақил белгилашга рухсат берилди.

«Коммунизм сари» ва «Янгийўл» газеталарини Жиззах ҳамда Янгийўл шаҳар партия комитетлари, халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг органлари рус тилида чиқадиган «Знамя коммунизма» газетасини 1989 йил 1 ноябрдан бекор қилиб, «Коммунизм байроғи» газетасини эса Нукус район партия комитети ва халқ депутатлари район Советининг органи, деб ҳисоблашга қарор қилинди.

Самарқанд, Фарғона ва Қорақалпоғистон область партия комитетларининг шу йил 1 октябрдан бошлаб Иштихон районининг «Колхоз ҳаётн» газетасини «Октябрь йўлидан», Киров районининг «Коммунизм йўли» газетасини «Коммунист» ва «Аралводстрой» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмасининг «Целинник Каракалпакии» газетасини «Голос Арала» деб қайта номлаш тўғрисидаги таклифларига розилик бериш мақсадга мувофиқ деб топилди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

1991 йилда тараққийпарвар инсоният шоир ва мутафаккир, ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий туғилган кунининг 550 йиллигини нишонлайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мутафаккир меросининг жаҳон бадиий маданияти учун аҳамиятини ҳисобга олиб, мазкур шонли юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилдилар. Республика юбилей комиссияси тузилиб, унга атоқли ёзувчилар, фан ва санъат арбоблари, жамоатчилик намояндалари киритилди.

Алишер Навоий ёдгорлик комплексининг энг яхши лойиҳаси учун конкурс ўтказиш, Самарқандда шоирнинг уй-музейини қуриш, ёдгорлик тангалари ва почта маркалари чиқариш, А. Навоий асарларининг ўзбек ва рус тилларидаги тўла тўпламини нашр этиш, «Навоий қомусномаси»ни тайёрлаш назарда тутилмоқда. Москва, Ленинград, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида А. Навоий ижодига бағишланган илмий сессиялар ўтказиш режалаштирилмоқда.

Юбилей тадбирларида кенг жамоатчилик доиралари иштирок этишади.

* * *

1994 йилнинг декабрь ойида атоқли ёзувчи, ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири Абдулла Қодирий туғилган кунга 100 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шонли санага бағишланган юбилей тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Адиблар, фан ва санъат арбоблари, жамоатчилик вакилларидан иборат республика юбилей комиссияси тузилди.

«Абдулла Қодирийнинг адабий мероси ва ҳозирги замон ўзбек романи» мавзусида Бутуниттифоқ конференцияси, Тошкент, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида ёзувчи ижодига бағишланган театрлашган томошалар кўрсатилиши назарда тутилмоқда. Абдулла Қодирий асарлари тўплами ўзбек ва рус тилларида нашр этилади, ёзувчининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида кино ҳамда телевизион фильмлар яратилади. Ёдгорлик ҳовли музейини ташкил этиш ва ёзувчининг энг яхши ҳайкали учун конкурс ўтказиш, шунингдек адиб асарлари қаҳрамонларининг ҳайкаллари ўрнатиладиган Қодирий номли боғ лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Филология факультетларининг талабалари учун А. Қодирий номли стипендия таъсис этиш мўлжалланган.

Тошкент маданият институтига, Жиззах давлат педагогика институтига ва Ўзбекистон пойтахтида қурилаётган метрополитен станцияларидан бирига Абдулла Қодирий номи берилади.

Бошқа бир қанча юбилей тадбирларини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИДА

15 сентябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология комиссиясининг мажлиси бўлди. Кадрлар резерви билан ишлашни йўлга қўйишга оид масала, шунингдек бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Х. Ҳамидов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

НАМАНГАН, 16 сентябрь. (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Наманган область Советининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари область Совети ижроия комитетининг иши тўғрисидаги ҳисоботни тингладилар. Область ижроия комитетининг раиси Б. Ж. Ҳамидов доклад қилди.

Сессияда Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов нутқ сўзлади.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ТОШКЕНТ, 16 сентябрь. (ЎзТАГ). Тошкент область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент область партия ташкилотининг партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди. Область партия комитетининг иккинчи секретари Р. А. Попов доклад қилди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков область партия комитети бюросининг аъзоси этиб сайланди.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов иштирок этди.

Ёш олимлар ва мутахассислар конференцияси

Ёш олимлар ва мутахассислар республика кенгаши ёшларнинг ишланмаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёнини жадаллаштириш ишида унча фаол қатнашмаётганлиги таъкидланди. Ёш олимлар ва мутахассислар республика кенгаши ёшларнинг ишланмаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёнини жадаллаштириш ишида унча фаол қатнашмаётганлиги таъкидланди. Ёш олимлар ва мутахассислар корхоналардаги, институтлар ва конструкторлик бюроларидаги кўпгина бошланғич кенгашлари фаолияти сезилмаяпти. Республика областларида ёшларнинг илмий-техникавий ижодкорлигига кўмаклашиш ишлари жуда секинлик билан йўлга қўйилмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳузурида ёш олимлар ва мутахассислар уюшмаси таъсис этилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бухоро, Наманган ва Сурхондарё область партия комитетларининг Бухоро, Чуст ва Денов район газеталари — «Ленин байроғи», «Чуст ҳақиқати» ва «Ғалаба учун» газеталарининг бир саҳифасини тожик тилида, Коммунистик меҳнат районининг «Коммунистик енбек» газетасининг бир саҳифасини ўзбек тилида чиқариш тўғрисидаги илтимоси қондирилди.

Бухоро, Самарқанд, Тошкент область партия комитетларига Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ, Каттақўрғон, Зарафшон шаҳар партия комитетлари ва халқ депутатлари шаҳар Советларининг мавжуд «Ангренская правда», «Алмаликский рабочий», «Социалистический Чирчик», «Зарафшон», «Зарафшанский рабочий» газеталарини ўзбек ва рус тилларида чиқариш таклиф этилди.

Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг, шунингдек Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг қуйидаги таклифлари:

— Тошкент трактор заводининг «Тракторостроитель», «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Фрунзевец», Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ударник», «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Заэлектрификация», «Миконд» заводининг «Спутник» кўп тиражли газеталарини рус ва ўзбек тилида нашр этиш тўғрисидаги)

— В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг «Ташкентский университет» ва Алишер Навоий номли Самарқанд давлат университетининг «Самарканд университети» кўп тиражли газеталарининг ҳажмини 4 саҳифагача кўпайтириш, «Ташкентский университет» газетасининг тиражини 5 минг нусхага етказиш тўғрисидаги;

— «Алгоритм» заводининг ўзбек тилида чиқадиган кўп тиражли «Алгоритм» ва Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Қизил байроқ» кўп тиражли газеталарини «Правда» газетаси ярим форматининг 4 саҳифаси ҳажмида, ойига икки марта ва Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трестнинг рус тилида чиқадиган «Монтажник» газетасини «Правда» газетаси ярим форматининг икки саҳифаси ҳажмида, ойига тўрт марта, корхоналарга ажратилган қоғоз фондлари доирасида икки минг нусхада чиқариш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

Шу йил 1 ноябрдан бошлаб Нукус шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи — «Нокис ҳақиқати» газетасини «Правда» газетаси ярим форматининг 4 саҳифаси ҳажмида, ҳафтада уч марта, дастлаб уч минг нусхада қорақалпоқ ва рус тилида нашр этиш йўлга қўйилсин.

Сирдарё область партия комитети ва Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг ўзбек ва рус тилида чиқадиган «Сирдарё киноҳафталиги» ва «Кинонеделя Сирдарьи» ҳафталик газетасининг ҳар бирини 1990 йил январидан бошлаб «Правда» газетаси ярим форматининг 4 саҳифаси ҳажмида чиқариш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига юқорида тилга олинган нашрларни ташкил этиш ва ўз вақтида босмадан чиқариш, янгидан ташкил қилинаётган газеталар редакцияларининг моддий-техникавий ва молиявий таъминотига оид чора-тадбирларни кўриш, Самарқанд ва Бухоро область, шунингдек икки тилда чиқариладиган шаҳар ва район газеталари штатларини мувофиқлаштириш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигига Ўзбекистон ССР газета ва журналлари рўйхатига тегишли ўзгартишлар киритиш, зарур бўлган жойларда мазкур қарор билан киритилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, қўшимча обуна ўтказиш тўғрисида аҳолини хабардор қилиш ва обунани йўлга қўйиш вазифаси топширилди.

Область партия комитетлари, область ижроия комитетлари ва Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети газеталар редакцияларини билимдон журналистлар билан таъминлашлари, газеталарга обуна ташкил этишлари, журналистлар ва матбаачиларнинг социал-турмуш шароитларини яхшилашлари зарур.

АМУДАРЁДА ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

Беруний, Қўлаверса Тўрткўл, Элликқалъа аҳолиси азалдан Хоразм воҳаси — Урганч, Гурлан, Янгибозор, Хива, Хонқа, Боғот, Шовот ва бошқа районлар билан яқин борди-келди алоқа қилиб келган. Лекин кўп вақтлар давомида бундай алоқалар қийин кечди.

Гап шундаки, Амударёда юк баржалари, айниқса, сув камайган фасларда кунига бир марта қатнаши ҳам маҳол. Йўловчилар қийналиб, юк ташиш оғир вазиятларда олиб борилди.

Бу аҳволни бартараф этиб бўладими? Ишбилармон мутахассис — қурилиш кооперативи раиси Т. Матёқубов қутилиш йўли бор, дея жавоб берди. Беруний шаҳар ижроия комитети қошидаги 30 кишидан иборат «Геркулес» қурилиш кооперативи ишга киришди. Банкдан 1 миллион 400 минг сўм қарз олиб, «Кировец» кооперативи билан шартнома имзоланди. Амударёда понтон кўприк қурилиши июнь ойида бошланди. Монтажлаш ишларини «Кировец» кооперативининг инженер П. Коргополов раҳбарлигидаги мутахассислари олиб боришди. Бор-йўғи уч ойда узунлиги 450 метрлик кўприк қуриб битказилди. Беруний районининг Шоббоз тўқайи дарё билан туташган жойида кўприк тикланиб, Чолиш посёлкаси томон транспорт ҳаракати бошланди. Энди Беруний — Урганч ўртасида мунтазам автомобиль қатновни учун имконият яратилди. Ҳадемай Хоразм, Тошовуз областларидан Қорақалпоғистон АССРнинг жанубидаги Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа районларига пассажир автобуслари қатнайдиган бўлади.

Амударё устидаги янги кўприкка «Дўстлик» номи берилди. Кўприк иншоотини фойдаланишга топширишга бағишланган митингда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари С. Д. Ниетуллаев, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Р. М. Худойберганова ва Туркманистоннинг Тошовуз область партия комитетининг биринчи секретари А. Қожаков иштирок этдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИДА

Қурилиш-маиший кооперативлардан бирининг раҳбари Давлат хавфсизлиги комитетининг Ульяновск областидаги бошқармасига мурожаат қилиб, ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам жисмоний жиҳатдан таъсир этаётган бир гуруҳ шахслар ундан жуда кўп пул талаб қилиб, муттасил таъқиб этишаётганини айтди. Давлат хавфсизлиги комитетининг органлари милиция иштирокида 8 сентябрь куни рэкетир тўдасининг жиноятчорона фаолияти пайини қирқиш юзасидан бир гуруҳ одамларни операция ўтказдилар, натижада қуролланган жиноятчилар ушланди. Қўлга олинганидан кейин улардан ўқ отиш қуроли ва қурилиш-маиший кооперативининг катта миқдордаги пули тортиб олинди.

Жиноий иш қўзғатилди. Тергов ўтказилмоқда.

Белоруссия Давлат хавфсизлиги комитетининг органлари Белоруссия ССР Ички ишлар министрлигининг социалистик мулкни талон-тарож қилишга қарши курашадиган бошқармаси билан ҳамжиҳатликда АҚШнинг сохта долларини тайёрлаш ва муомалага киритиш билан шуғулланиб келган 5 кишидан иборат тўдани жиноят устида қўлга олди. Тинтув чоғида тўда аъзоларидан тўрт ярим минг доллардан ошадиган 200 дан зиёд купюра топилди. Дастлабки тергов вақтида шу нарса аниқландики, сохта пуллар учун клишени шу тўда аъзоларидан бири — касби рассом бўлган киши тайёрлаган. Жиноятчилар сохта долларнинг бир неча туркумини тайёрлаб, чет элликларга сотишган. Тергов давом этмоқда.

(ТАСС).

ЧОРВАДОР НИМА ДЕЙДИ?

ШАРОИТИМИЗ ЧАТОҚ

Чорва қишловига тайёргарлик қандай бораётгани билан танишиш мақсадида Паркент районидаги Энгельс номли совхознинг марказий сут-товар фермасида бўлдик.

— Сут-товар фермамизда жами 959 бош қорамол бор, — дейди ферма мудири Имомнўлат Ризаев. — Шундан 344 боши соғин сигирлар. 250 бош бузоқ олинди. Саккиз ойлик сут сотиш топшириғи ошириб адо этилди. Қабул пунктларига планда белгиланган 520 тонна ўрнига 530 тонна сут топширилди. Бироқ озуқа жамғаришда баъзи муаммоларга дуч келяпмиз, 1000 бош қорамолга кўк масса тайёрлаш учун бор-йўғи 5 гектар ер ажратилган. Ахир, озуқасиз қандай қилиб чорвачиликни рентабелли соҳага айлантириш мумкин? Биз совхоз маъмуриятига бу борада бир неча маротаба мурожаат қилдик. Лекин натижаси бўлмади.

— Шунинг учун, — дейди суҳбатга қўшилган бош зоотехник Турғунбой Файзиҳўжаев қуйиниб, — мен таклиф қилардимки, ҳар бир ферманинг ўзида ем-хашак тайёрлаш билан шуғулланадиган бригада ташкил қилинса яхши бўларди.

Дарҳақиқат, бош зоотехник ва ферма мудирининг гапларида жон бор. Чорвачиликни ривожлантириш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш зарурлиги оддий ҳақиқат. Бунинг учун торгина майдонда номигагина ҳашак етиштириб: «Қишловдан чиқамиз», дейиш мантиққа тўғри келмайди. Шу сабабдан ферманинг ўзида озуқачилик бригадаси тузиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

— Бизда ичимлик суви масаласи жуда чатоқ, — суҳбатга қўшилди Тўлабой Шоболтаев. — Водопровод суви йўқлиги туфайли ариқдаги ифлос сувни истеъмол қиляпмиз. Оқибатда қўйгина чорвадор оналар касалликка чалиняпти.

Чорвадордан иш талаб қилишдан аввал, унга унумли меҳнат қилиши ва хотиржам яшаши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш лозим. Совхоз раҳбарлари бу масалага эътиборсизлик қилишаётгани яхши эмас.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Паркент тонги» газетаси мухбири.

ХОСИЛ-89

ДАЛА ШИЙПОНИ — ДЕҲҚОННИНГ ИККИНЧИ УЙИ

БОҚИБЕҒАМЛИК

Чуст районида ҳаммаси бўлиб 219 та дала шийпони бор. Бироқ шундан бор-йўғи 35 таси пахта йиғим-теримига тайёр, холос.

Район партия комитетида биз мутасадди ўртоқлар билан пахта йиғим-теримига қандай тайёргарлик кўриляётгани ва дала шийпонларининг аҳволи ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Тушлик пайти яқинлашгач бирорта дала шийпонида колхозчилар билан бирга тушлик қилиш истагини билдиргандик, райкомнинг идеология бўйича секретари Х. Ҳотамхонова бажонидил бизга ҳамроҳ бўлди.

К. Маркс номли колхоз 6-бригада дала шийпони олдига маккажўхори ҳосили ёйиб қўйилган. Оёқ босадиган ер йўқ. Колхозчилар эса шийпон орқасидаги сўрида тушлик қилишяпти. Бугун тушликка палов тайёрланибди, паловдан сўнг қовун-тарвуз қўйилди. Шу пайт қўлида бир даста сопол коса кўтариб бригада бошлиғи Алижон Воҳидов келиб қолди. Маълум бўлишича, шийпонда колхозчиларнинг чой ичиши учун пиёла йўқлиги сабабли у шаҳарга тушиб кетган экан. Тушликкача 4-5 магазинга бориб пиёла тополмай, охири унинг ўрнига сопол коса олиб қайтибди.

Буни қаранг, деҳқон учун ҳар дақиқа ғанимат бир пайтда бригадир ярим кунлаб магазинда сарсон бўлиб юрса. Бизнинг ажабланаётганимизни кўрган К. Халилов, Т. Мақсудов ва бошқа колхозчилар бу ярим кун ҳеч гап эмас, дейишди. Улар ҳозиргача ўз фарзандларига мактаб формаси ва қишки кийим-бош ахтариб 2-3 кунлаб овора бўлишаркан. Бундай нарсалар билан савдо қилувчи кўчма дўконлар йил давомида дала шийпонига келганми, деган саволимизга колхозчилар бараварига «йўқ» дея жавоб беришди. «Шийпонга врачлар келишадими?», «Бу ерда биррор маротаба кинофильм намойиш этилганми?», «Шийпонга район маданий ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари тез-тез келиб туришадими?» каби саволларимизга ҳам худди шундай бир хилда жавоб олдик. Бундан ташқари шийпон биноси ачинарли аҳволда. Дераза ларнинг ойнаси синган, хоналар чанг, ифлос. Уларнинг қайси бири аёллар ва болалар, қайси бири эса эркаклар хонаси эканлигини ажратиб бўлмайди. Дам олиш хонасини сўраганимизда бригада бошлиғи бизга палоссиз, кўрпа-ёстиқсиз қуруқ тўрт девордан иборат хонани кўрсатди. Бу хонага ёз бўйи одам кирмагани шундоққина кўриниб турибди.

Чустий номли колхозда худди шундай манзаранинг гувоҳи бўлдик. Ҳ. Зокиров бошлиқ 1-бригада дала шийпони олдига экилган ток ер бағирлаб ўсиб ётибди. шийпон хоналарининг ҳар бири эшикларида ташқари томонидан харсанг тошлар тираб қўйилган. Тошларни суриб ичкарига кирдик. Хоналарда патронлари узиб олинган электр симлари осилиб ётибди. Электр симлари нега очиқ-сочиқ ётибди, деган саволимизга бригада ҳисобчиси Е. Абдуназаров пинагини ҳам бузмай «илгаритдан шундай» деб жавоб берди.

Шу хўжаликнинг Г. Шокаримова бошлиқ 2-бригада дала шийпонидаги аҳвол ҳам бундан қолишмайди. Ҳамма томон чанг. Ифлос. Шийпон ҳовлисида колхозчилар кечки тушлик қилишмоқда. Бизнинг, колхоз, район раҳбарларидан ўзларингизнинг яхши дам олиб, меҳнат қилишларингиз учун қулай шароит яратиб беришларини нега талаб қилмайсизлар, деган саволимизга улар: «Нон-чойимиз, овқатимиз тайин, камчилигимиз йўқ» деб жавоб беришди.

Мана сизга деҳқоннинг аҳволи-ю, унга бўлган муносабат! Колхозчилар раҳбарлар устидан шикоят қилишни ўзларига эп кўришмаётгани уларнинг гап-сўзларидан ҳам билиниб турибди. Ҳақиқатан ҳам улар андиша қилишмоқда. Бироқ колхоз правлениеси ва партия ташкилоти андишанинг отини аллақачон қўрқоқ қўйиб олишган. Шунинг учун ҳам улар деҳқонларнинг яхши дам олиб, меҳнат қилишлари учун қайғуришмайди. Узоққа бормай қўя қолайлик. Навоий номли колхоз раисининг маданий-оқартув ишлари бўйича муовини Марҳамат Сотимова фаолияти буюнга яққол мисол бўла олади. У дала меҳнаткашларининг қандай яшаб, дам олаётганликлари билан асло қизиқмайди. Масалан, у йил давомида биринчи бригада дала шийпонига атиги бир мартагина ташриф буюрган, холос. Ҳолбуки, дала шийпонларини меҳнаткашларнинг чинакам оромгоҳига айлантириш М. Сотимовانинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Юқоридаги факт ва мисоллардан кўриниб турибдики, районда деҳқонларнинг иккинчи уйи — дала шийпонларида колхозчиларнинг яхши дам олиб, самарали меҳнат қилишлари учун ҳеч қандай шароит яратилмаган. Пахта йиғим-терими мавсуми қизғин паллага кираётган айни пайтда дала шийпонларидаги бундай аҳвол хўжалик раҳбарлари, район партия ва совет ташкилотлари мутасадди ходимларини ташвишга солмаяпти.

Биз меҳнаткашлар ҳузуридан қайтгач, район соғлиқни сақлаш, аҳолига савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилоти раҳбарлари билан ҳам учрашдик. Уларнинг деярли ҳаммаси дала меҳнаткашлари ҳузурига, шийпонларга тез-тез бориб турганликларини, агар лозим бўлса бу ерлардаги справка ва ҳужжатларини кўрсатишлари мумкинлигини айтдилар.

Қизиқ, жойларда биз ўзимиз гувоҳи бўлган ҳақиқий аҳволга, деҳқонларнинг гапларига ишонайликми ёки уларнинг турли справка ёки ҳужжатларигами? Наҳотки бу масъул шахслар ҳозир қоғозбозлик эмас, балки амалий иш қилиш пайти келганлигини тушунмасалар? Шу ўринда ҳар нарсага қўникувчан, ўта андишали бободеҳқонларнинг юқорида таъкидлаган «...Овқатимиз тайин, камчилигимиз йўқ» деган фикрига унча қўшилиб бўлмаслигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Негаки, маҳаллий раҳбарлар билан бундай юз-хотирчилик, келишувчиликдан фақат уларнинг ўзлари зарар кўришяпти. Зеро, бу муаммо оддий деҳқондан тортиб, то райком секретаригача жиддий ташвишга солиши керак.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОЛДИН ШАРОИТ, КЕЙИН ТАЛАБ

Пешку район Охунбобоев номли колхознинг 5-бригадаси дала шийпонида ҳеч кимни учратмадик. Хона ичини чанг босган, дераза ойналари синган, бу ерга яқин орада ҳеч ким кирмагани шундоқ кўриниб турарди.

Бригада табелчиси И. Турдиевни даладан топдик. У бундай аҳволнинг сабабини бригадада иккинчи дала шийпони борлиги билан изоҳлаб қолди. Шундан кейин иккинчи шийпонга бордик. Қоровул Ниёз Халиловдан эшикларига қулф осилган хоналарни очиб кўрсатишни илтимос қилдик.

— Нимасини кўрасиз, ичкарида тўрт девордан бошқа ҳеч вақо йўқ, — деб жавоб берди қоровул.

Дарҳақиқат, гард босиб кетган хоналарнинг биттаси эски темир-терсаклар билан тўлдирилган, қолган иккитаси бўм-бўш. Табелчининг изоҳ беришича, кўрпа-тўшаклар биринчи шийпонда қолган эмиш.

Бир бригаданинг иккита шийпони бўлса ҳам биронтасида ҳордиқ чиқариш учун шароит йўқ. Шу сабабдан колхозчилар тушлик пайти шийпонни четлаб ўтиб уйларига шошилишади.

Мазкур бригада территорияси райондаги чиқиндилар ташланадиган ахлатхонага айлантирилган. Район марказий касалхонаси канализация тармоғининг оқава сувлари ҳам шу ердаги коллекторга ташланади.

Бригада аъзолари бу тўғрида шикоят қилмаган жойлари, мурожаат этмаган депутатлари қолмади. Лекин ҳозиргача ҳеч ким пинагини бузмаётир.

«Ўзбекистон» колхозининг 4-бригадаси дала шийпонида ҳам аҳвол ночор. Бригада аъзолари бу ерда сўнгги марта қачон иссиқ овқат тайёрланганини эслай олмайдилар. Пахтакорлар қуруқ нон-чой билан тушлик қилмоқдалар. Шийпонда на радио, на телевизор бор.

Колхоз бош бухгалтери Ж. Ҳайдаровнинг айтишича, 12 та дала шийпонининг фақат 2 тасида телевизор, 1 тасида холодильник бор экан. Биз 3-бригаданинг холодильниги бўлган «намунали» шийпонини бориб кўрдик. Холодильникнинг бузилганига анча бўлибди... Хоналар дид билан безатилганига қарамай тушлик пайти шийпонда қоровулдан бошқа ҳеч ким кўринмасди.

Область агросаноат комитетидан олинган маълумотларга кўра, Пешку район хўжаликларида 237 та дала шийпони бўлиб, шунинг 33 таси типовой, 204 таси мослаштирилган биноларда жойлашган экан. «Ўзбекистон» ва Охунбобоев номли колхозларнинг шийпонини кўриб, умумий аҳволи тасаввур қилиш мумкин. Кўпчилик хўжалик раҳбарлари йиғим-терим мавсуми бошланаётганига қарамай, пахтакорларнинг кундалик ташвишларига панжа орасидан қарашмоқда.

Ваҳолонки, районда бу иш намунали ташкил қилинган хўжаликлар ҳам бор. Чунончи, «Пешку» совхозида 10 та шийпоннинг қайси бирига кирманг, кўзингиз қувонади. Уларнинг барчаси жиҳозланган. Телевизор, холодильник кундалик эҳтиёж буюми бўлиб қолган. Радио, телефон ишлаб турибди.

Бундай аҳволнинг боиси хўжаликнинг фақатгина иқтисодий бақувватлигида эмас. Ҳамма гап шундаки, шийпонларнинг ҳар бирида бир колхозчи оиласи билан истиқомат қилиб, хоналарни ораста сақлайди. Далада ишлаётганлар учун иссиқ овқат тайёрлайди. Бўш вақтларида эса шийпон қошидаги боғ ёки полиззорда ишлайди. Жумладан, Қ. Омонов оиласи 2-бўлим боғдорчилик бригадаси дала шийпонини пудратга олган. Биз борган кун бу ерда далада ишлайдиганлар учун палов пишириб берилди.

Хўжаликнинг 2-бўлимидаги Эргашой Раҳимова бошлиқ бригадаси дала шийпони қошида ёрдамчи хўжалик ташкил қилинниб, қўй-қўзи, сигир боқилмоқда.

— Инсон тўғрисида ғамхўрлик қилинсагина муваффақиятга эришиш мумкин, — дейди биз билан суҳбатда совхоз директори А. Ҳакимов. — Яқин келажакда Э. Раҳимова тажрибасини барча шийпонларда қўллаймоқчимиз. Токи, кун бўйи даладан чиқмайдиган меҳнаткаш ҳеч нарсадан камчилик сезмасин.

Афсуски, райондаги кўпчилик хўжаликларда кишилар тўғрисида мана шундай ғамхўрлик етишмаяпти. Буни ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Область мухбирлари бонг урадилар*



ФОТОАЙБНОМА

КЎРСАТКИЧЛАР ПАСАЙМОҚДА, САБАБ НИМАДА?

Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхози кўрсаткичлари сўнгги уч йил ичида пасайиб кетди. Рақамларга эътибор беринг: 1986 йили хўжаликнинг соф фойдаси 3 миллион 773 минг сўмни, рентабеллиги эса 74 процентни ташкил этди. Бурноғи йили фойда олиш деярли уч баравар, рентабеллик эса икки марта камайди. Ўтган йили бўлса, рентабеллик 30,5 процентгача тушиб кетди. Айни кунларда хўжалик жамғармасида 1 сўм ҳам маблағ йўқ.

Колхознинг ҳозирги раиси Турсуной Жовлиева буни меҳнат сарфи ошиб бораётганлиги билан тушунтиради. Масалан, 1987 йили 1 центнер пахта етиштириш таннархи 54 сўм этиб мўлжалланган бўлса, амалда 72 сўмни ташкил этди.

Ҳосил сифати ҳам кўнгилдагидек эмас. Ўтган йили етиштирилган ҳосилнинг 62 фоизи биринчи навга, қолгани эса паст навга, табиийки, арзон нархларда қабул қилинди.

Механизаторлар ўртасида меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилмаган. Йиғим-теримнинг қизғин пайтида баъзи бир носозликлар туфайли техника воситалари икки-уч кун тўхтаб қолади, прицепларни эса тракторчилар ҳовлиларида учратасиз. Демак, гап колхозчилар меҳнатини қониқарсиз ташкил этилганиддадир. Хўжаликни оёққа тургазиш учун дадил ҳаракат лозим. Давр ана шуни талаб этади.

Суратларда: 1. Хўжалик раиси Т. Жовлиева, бош инженер Б. Жумаев (чапда) ва механик Н. Жўраев техника воситаларининг назоратдан ўтказишяпти. 2. Уч йилдирки пахта қуритиш майдони район матлубот союзи омборхонаси сифатида фойдаланиб келинмоқда.

И. ХУЖАЕВ суратлари (ЎзТАГ).

Тошкентда умумий ва амалий химия бўйича XIV Менделеев съезди ўз ишини тугатди

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛИДА

«Жаҳон химиклари, экология муаммоларини ҳал этиш йўлида бирлашингиз!» — Бу сўзлар умумий ва амалий химия бўйича ўтказилган XIV Менделеев съезди қатнашчилари қабул қилган декларациядан олинди. Унда химиклар ва экологнинг ўзаро ёрдам халқаро уюшмасини тузиш зарурлиги айтилди. Мазкур декларация Ўзбекистон пойтахтида ниҳоясига етган химиклар анжуманининг ўзига хос якунловчи қужжати бўлди. Анжуманда ССРнинг барча регионларидан, жаҳондаги кўп мамлакатлардан келган бир ярим мингдан ортиқ олим ва мутахассис қатнашди.

Декларацияда Ер юзида жуда қатта экологик ўзгаришлар рўй бераётганлигидан ташвиш билдирилади. Экологик маълумотларнинг регионал ва халқаро миқёсдаги, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг бир шаклига келтирилган физикавий-кимёвий диагностикаси ҳамда назорат системасини вужудга келтириш мазкур муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиши лозим. Экологик ўзаро ёрдам халқаро уюшмаси уставининг лойиҳаси қабул қилинди.

— Менделеев съезди ўн тўртинчи марта ўтказилди. У ўз тарихи давомида биринчи марта аниқ экология йўналишига эга бўлди, — дейди академик Ю. А. Буслаев. — Бу бутун сайёрамиздаги сиғинари мамлакатимизнинг кўп регионларида ҳам бизни қуршаб турган табиий муҳит кейинги вақтда жуда ёмонлашганлиги билан боғлиқдир. Табиатга масъулиятсизларча муносабатда бўлиш, самарали тозалаш иншоотларисиз янги ишлаб чиқаришларни ўйламай-нетмай қуриш ва уларни жойлаштириш, қишлоқ хўжалигини саводсизларча химиялаштириш бир қанча ҳолларда экологияни ёмон аҳволга олиб келиб қўйди. Энди зудлик ва қатъият билан ишларни ўнглаб олиш зарур.

Экология муаммолари энг долзарб муаммолардандир. Бинобарин, бугунги кунда химикларни ташвишга солаётган бошқа кечиктириб бўлмас вазифалар ҳам бор. Съезд беш кун давом этди. Ана шу кунлар мазмунан ниҳоятда бой ва ранг-баранг бўлди. Ялпи ва секция мажлисларида фундаментал тадқиқотларнинг натижалари ҳамда уларни ривожлантириш истиқболлари, янги конструкция материаллари ишланмалари, химия-технология ва биотехнология жараёнлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги имкониятлар муҳокама қилинди.

«Совуқ ядровий синтез», «Инженерлик химиясининг долзарб муаммолари», «Химия таълими муаммолари» мавзуидаги давра суҳбатларида унинг иштирокчилари жуда фаол қатнашдилар. Съезд иши доирасида кислота ёмғирлари кўпайганлиги, атмосфера азон қатламининг бузилиши, зарҳи қотил (пестицид)лар ва минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиллаётганлиги муносабати билан мунозаралар бўлди. Мунозараларнинг қатнашчилари технологияларни такомиллаштириш, химия корхоналари маданият даражасини ошириш, химия жараёнлари тўғрисидаги билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, уларнинг тупроқ, сув ва атмосфера таркиби ҳамда структурасига таъсирини такомиллаштириш керак, деган яқдил фикрга келдилар.

Съезд программасида совет ҳамда чет эл олимлари ва мутахассислари иштирокида матбуот конференциялари ўтказиш кўзда тутилган эди. Бу конференциялар қизиқарли ва мазмунли бўлди.

— Атроф-муҳитни муҳофаза этиш ишида давлат чегараларининг аҳамияти йўқ, — деди журналистлар билан учрашувларнинг бирида Ғарбий Германия «БАСФ» фирмаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш лабораториясининг раҳбари, доктор Вольфганг Мерц. — Ҳозирги анжуман кўп мамлакатлар олимлари очиқ музокаралар олиб боришлари, фикр алмашишлари, илмий ютуқларини ўртоқлашишлари учун ажойиб имконият берди. Биз алоқаларни кенгайтиришимиз, сиёсатчилар ва жамоатчилик билан биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Экологик хавфсизлик масалаларида тўла ошкоралик зарур, деб ҳисоблаймиз.

Съезд қатнашчилари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия соҳасида тадқиқот олиб бораётган институтлари иши билан, Тошкент олий ўқув юртларида мутахассис химикларни тайёрлашни уюштириш билан танишдилар, республика химия тармоқлари корхоналарида бўлдилар.

Умумий ва амалий химия XIV Менделеев съезднинг якунловчи мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков қатнашди.

(ЎзТАГ).

• Бугун—Ўрмон ходимлари куни

Ўрмонлар — она-заминимизнинг кўрки, табиат тириклигининг рамзи. Уларни авайлаш — табиатни ардоқлаш, тирикликни асраш демак. Бу масъулиятнинг тўқсон фоизи бизнинг зиммамизда, бизнинг гарданимизда. Бутун мамлакатда, ҳатто ер юзида экологик вазият оғирлашаётган бир пайтда биз Ўрмон ходимлари масъулияти янада жиддийлашди.

ЯШИЛЛИККА БУРКАНСИН ОЛАМ

Фаолиятимиздаги тўб бурилиш ўз самарасини кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида давлат ўрмон фонди ерларининг 14 минг гектарига ёш ниҳоллар ўтказилди. Чўл районларининг 9 минг 553 гектарлик майдони яйловларни ҳимоя қилувчи кўчатлар билан қуршалди. Шунингдек, колхоз ва совхозларга ҳам шартнома асосида иҳота новдалари етказиб беряпмиз. Умуман, республика ўрмон хўжаликларининг она-заминимизни яшилликка буркаш, халқ хўжалигини турли хил озиқ-овқат ва шифобахш маҳсулотлар билан таъминлаш борасидаги кўрсаткичлари йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

Ўрмонларни асраш ва муҳофаза қилиш — энг муҳим масалалардан бири. Бу борада гарчи план-тадбирларимиз бажарилаётган бўлса-да, уларни ёнғиндан, ўзбошимчалик билан кесиб кетишдан, мазкур территорияларда чорва молларини ноқонуний боқишдан муҳофаза қилишда жиддий нуқсонларимиз бор. Шу йил 6 ой мобайнида 73 та ана шундай тартиббузарлик ҳоллари содир бўлди. Нукус ва Бойсун ўрмон хўжаликларида бир қатор жиддий ёнғинларга йўл қўйилди. 329 гектарлик майдон ёнғин қурбонида қолди. Афсуски айрим ходимларимизнинг ишга совуқ муносабати, назоратнинг сусайиб кетганлиги туфайли кўпчилик тартиббузарликлар очилмай қоляпти.

Ўрмон зараркунандалари ва касалликларига қарши курашда ҳам жиддий камчиликларимиз бор. Айниқса, арча, саксовул, ёнғоқ ва пистазорлар тез касалланмоқда. Кўпчилик хўжаликлар зараркунанда ҳашаротларга қарши ўз вақтида курашмаяптилар, препаратлардан нотўғри фойдаланишмоқда. Натижада ўн мингларлаб давлат маблағи шамолга совурилиб кетмоқда.

Ўрмон — халқимизнинг бебаҳо бойлиги. Яшил бойлигимизнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти тириш, ассортиментни кенгайтириш борасида ҳам мақтанадиган жойимиз йўқ.

Пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл-кўл ҳосил олишда иҳота ўрмонлари муҳим роль ўйнайди. Хўжаликларимиз республика колхоз ва совхозлари далаларида 57 минг гектар ана шундай иҳота ўрмонзорлари барпо этдилар. Ҳозирги пайтда 1,2 миллион гектар суғориладиган майдон шамол таъсири ва гармселдан ҳимояга олинди. Агросаноат комплекси билан бу борадаги ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бормоқда. Шунингдек, саноат моллари ишлаб чиқаришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Тўқима ва ёғоч-тахта маҳсулотларининг янги-янги турлари ўзлаштирилмоқда. Саноат моллари ишлаб чиқариш 8 ойлик плани 115 процентга уддаланди. Пландан ташқари 460 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Аммо Бухоро, Сирдарё, Жиззах ва Бекобод ўрмон хўжаликлари бу борада етарли ташаббус кўрсатолмаяптилар.

Ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш — шу кунининг талаби. Жойлардаги корхона ва хўжаликларимиз бу соҳага ҳали киришганларича йўқ. Мавжуд суръатни кескин бўшаштириб юбордилар, ишни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Бу аҳвол жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Ҳозирги пайтда «Ўзбеклес» бирлашмаси системасида 120 минг гектар майдонга эга 7 та қўриқхона бор. Сурхондарё ва Қизилқум қўриқхоналарида ҳайвонот оламининг турлари кўпайиб боряпти.

Ўрмон хўжаликларида меҳнатни пудрат усулида ташкил қилиш тобора оммалашмоқда. Ҳозир республикада 1038 та оила пудрат асосида ишламоқда. Ўтган йилгидан икки ҳисса кўп. Ижара пудрати бўйича 111 та шартнома тузилди. Айниқса Қўқон, Наманган ва Оҳангарон ўрмон хўжаликларидаги ишларнинг 50 фоизи пудрат усулида олиб борилмоқда. Бундай хайрли ишни ҳамма жойда қўллашимиз зарур.

Фаолиятимиз доирасидаги энг муҳим масалалардан бири чўл зоналарининг, айниқса Орол бўйи районларининг экологик аҳволини чуқур ўрганиш ва вазиятни яхшилашдан иборат. Ҳозирги пайтда бу районларда катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда.

Ресурслардан фойдаланиш бўйича АҚШ, Ҳиндистон, ГФР фирмалари билан ҳамкорлик қилиш тадбирлари белгиланмоқда. Бу ҳамкорлик моддий-техника базамизни мустаҳкамлаш, республикамизни яшилликка буркаш ишларини жадаллаштириш; шунингдек ўрмон ходимлари иқтисодий ва социал турмушини яхшилаш учун катта самара бериши, шубҳасиз. Зеро, бу йўл республикамиз ўрмон ходимлари олдига қўйилган асосий мақсадлар билан муштаракдир.

Н. ЯҲЕЕВ,
«Ўзбеклес» иттифоқ-республика ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўрмончисос.

Чотқол давлат биосфера қўриқхонасининг ходими — Шоди Аширов.
С. Величкин сурати (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Қонунлари лойиҳалари умумхалқ муҳокамасида

ИСТАК ИНОБАТГА ОЛИНСА...

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларнинг депутатларини сайлаш тўғрисидаги қонунлари лойиҳаси билан танишганда, уларни тайёрлаш жараёнида мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳот, айниқса СССР халқ депутатларига ўтказилган сайлов тажрибасидан кенг фойдаланилганлиги, кўзга ташланади. Чунончи, жамоат ташкилотлари томонидан депутатларнинг бир қисмини сайлаш каби баҳсларга, ҳаттоки жуда кўпларнинг норозилигига сабабчи бўлган қоиданинг лойиҳага киритилмаганлиги фикримизнинг далилидир. Сайловга тайёргарлик кўриш ишларида матбуот вакилларининг иштироки, уларнинг ҳуқуқ доираси ва вазифаларининг Қонунда аниқ белгиланиши ҳам олдинги сайловларда келиб чиққан кўпгина номақбул ҳолатларга ўрин қолдирмайди. Умуман олганда, муҳокама этилаётган лойиҳалар анча пухта. Шу билан бирга уларни яна ҳам яхшилаш мумкин.

Авваламбор, сайловчилар доирасини кенгайтириш лозим, деб ҳисоблайман. Бунинг учун бошқа иттифоқчи республикаларнинг гражданларига ўхшаб жумҳуриятимиз территориясида узоқ муддат (5 йил ва ундан кўп) яшаб келаётган муҳожирларга ҳам сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини бериш керак. Баъзи давлатларда, масалан Германия Демократик Республикасида ана шундай халқпарварлик тартиби ўрнатилган. Мазкур қадам, биринчидан, жамиятимизда демократиялаш жараёнининг чуқурлашувини намойиш этса, иккинчидан, миллатлараро муносабатларни яхшилашга, байналмилал дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилган бўлар эди.

«Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови ҳақида»ги Қонун лойиҳасининг 31-моддасига биноан депутатликка номзод қилиб кўрсатиш ҳуқуқи камида 200 кишидан иборат бўлган коллективларга берилиб, номзод кўрсатиш йиғилишларида коллектив аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпроғи (масалан, 110, 150 ёки 200 нафар) қатнашиши талаб этилади. Аҳоли истиқомат жойларида ўтказиладиган шундай йиғилишларда эса шу ерда яшаётган сайловчилардан камида 300 сайловчи қатнашмоғи зарур. Хўш, нима учун уй бекалари, нафақахўрлар ва инвалидларнинг ишлаётган ёки ўқиётган гражданларга нисбатан ҳуқуқлари бошқача бўлиши керак? Ахир бу гражданларнинг маълум бир қисмига имтиёз бериш-ку! Ана шу тафовутни йўқотиш, ҳар қандай йиғилиш қатнашчиларининг сонини тенг қилиб белгилаш керак. Бу адолат юзасидан бўлади.

Мазкур лойиҳанинг 32-моддасида айтилишича, сайловолди йиғилиши ёки конференцияларда истаган миқдорда депутатликка номзод тақдим этилиши мумкин. Бу яхши, аммо менингча, бу ерда сайлов бюллетенига ҳар ўринга қанчадан номзод киритилиши мумкинлиги ноаниқ қолган. Қонун шу тариқа қабул қилинса, айрим сайлов округларида бир депутатлик ўрнига фақат бир номзодни кўрсатиш билан чекланишга йўл очиб берилади. Бюрократик аппаратнинг хоҳиши ҳам шундай-да! Лекин бундай йўсинда ўтган сайловни ҳақиқий демократик сайлов деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Қонунга **сайланадиган ҳар бир депутатлик ўрнига биттадан кўп (!) номзод сайлов бюллетенига киритилиши шарт**, деган қоидани киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Лойиҳанинг 53-моддасидаги «Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозларининг ярмидан кўпини ололмаган депутатликка номзод ушбу ёки бошқа сайлов округидан такроран номзод бўлиши мумкин эмас», деган қоидани қуйидаги таҳрирда бериш маъқул, деб ўйлайман: **«Сайловда қатнашган сайловчилар овозларининг ярмини ҳам ололмаган депутатликка номзодлар такрорий номзодлар қилиб кўрсатилиши мумкин эмас.** Чунки барча демократик мамлакатларда сайловларда қатнашган барча сайловчилар овозларининг ярмидан кўпроғини олган номзодлар депутатликка сайланган деб ҳисобланадилар. Бу тажрибани биз ҳам қўлласак, ёмон бўлмайди.

Яна бир истак Қонунлар лойиҳаларининг муаллифлари тўғрисида. Маълумки, матбуотда ҳар қандай қонун ва муҳим қарорларнинг лойиҳаларини тайёрлаган кишиларнинг номларини эълон қилиш керак, деган жуда кўп таклифлар тушди. Аммо бизда ҳам, бошқа жойларда ҳам халқнинг ана шу истак-талаби ҳисобга олинмаяпти. Менингча, аппаратнинг фаолиятида ошкоралик ҳали тўла қарор топганича йўқ. Агар ана шу «давлат сири»дан воз кечсак, қонун лойиҳаларини тайёрлашда қатнашган одамларнинг масъулияти ошишига ва шу билан бирга халқимизнинг партия ва давлат аппаратига ишончи кучайишига эришган бўлардик.

С. ҚУРБОНОВ,
тарих фанлари номзоди.

АЙНИ МУДДАО

Барча совет ходимлари қатори мен ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари, маҳаллий Советлари депутатлари сайлови ҳақидаги қонун лойиҳаларини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Лойиҳада сайловлар жараёнида чинакам демократияни таъмин этишнинг таъсирчан тадбирлари кўзда тутилган. Айниқса маҳаллий Советлар депутатлигига нисбатанча номзодлар кўрсатилиши ва рўйхатга олиниши учун шароит яратилаётганлиги қониқиш туғдиради.

Шу билан бирга лойиҳанинг айрим бандлари пухта ишланмаган деб ўйлайман. Жумладан, лойиҳанинг 2-бўлим 16-моддасида халқ депутатлари посёлка ва қишлоқ Советига 30 тадан 70 гача сайлов округи тузиш кўзда тутилган. Менингча, Советларнинг қуйи бўғинига сайловлар учун бу миқёс жиҳатидан кўплик қилади. Қишлоқ ва посёлка Советларида 30 тадан 50 тагача сайлов округи тузиш кифоя қилади. Қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси сифатидаги тажрибам қуйи бўғинларда депутатларни кўпайтириш билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Келгусида маҳаллий Советларнинг депутатлари сифат составини яхшилаш, чинакам ижтимоий фаол шахсларга кенг йўл очиб бериш тадбирларини кўриш лозим. Мазкур қонун лойиҳаси ҳам худди мана шу мақсадларга хизмат қилади.

Кези келганда маҳаллий Советлар ижро органлари аппаратини такомиллаштириш тўғрисидаги мулоҳазаларимни ҳам баён қилмоқчиман. Маҳаллий Советлар қўлига бутун ижро ҳокимиятини бериш тўғрисида гап борар экан, бунинг учун зарур моддий-техника, молиявий шароитларни яратиш керак. Қишлоқ ва посёлка Советлари ижрокомларининг штатини белгилаш пайти негадир шу территорияда истиқомат қилувчи аҳоли сони эътиборга олинмайди.

Чунончи, қишлоқ Советимизда деярли 17 минг аҳоли истиқомат қилади, ижрокомнинг штати эса бундан уч баравар кам аҳолиси бўлган Совет билан бир хилда. Колхоз-совхозларда архитектор, инженер-қурувчи лавозимлари берилган. Қишлоқ Советларида эса социал қурилиш билан шуғулланадиган мутахассис кўзда тутилмаган. Қишлоқ ва посёлка Советлари учун доимий комиссиялар сони ҳамон кўп бўлаётгани ҳам жойларда амалий иш ўрнига қоғозбозлик манфаатларига хизмат қилади.

Умуман, республикамизнинг барча меҳнаткашлари муҳокамасига ҳавола этилаётган қонун лойиҳалари маҳаллий Советлар фаолиятини қайта қуриш вазифаларига сафарбар этишнинг муҳим омилидир.

С. САФАРОВ,
Бухоро область, Отбозор қишлоқ Совети ижроия комитети раиси.

ТАҲРИРСИЗ ХАТЛАР

ЧАНГИ ЧИҚҚАН КЎЧАЛАР

Очиғини айтиш керак, кейинги пайтда шаҳримизда озодаликка эътибор бирмунча сусайиб кетди. Кўчалардаги уюм-уюм ахлатлар киши дилини хира қиляпти. Ариқлар балчиққа қоришиб, димоғимизни ёради.

Бундай ачинарли аҳволни Октябрь, Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Киров, Ленин, Ҳамза районларининг кўплаб кўчаларида учратиш мумкин. Айниқса, Юнусобод, Чилонзор массивларидаги ташландиқлар кўзга яққол ташланади.

Яқинда бир юмуш билан Тошкент шаҳрининг Себзор маҳалласига бориб қолдим. Хонадон радио тўлқинидан таралаётган севимли хонандамиз Муҳаббат Шамаеванинг «Ер юрган кўчаларни супурай сочим билан, чанги чиқса сув сепай кўзлардаги ёшим билан» деган хонушини эшитдим-у, хаёлга толдим. Себзордаги уйлар атрофидаги ахлатлар уюлган чанг кўчаларни кўриб, халқнинг қўшиқнинг бу жойларга мос келмаслигини пайқайсиз-да, шу кўчаларга қадам босишдан ҳазар қиласиз. Шаҳар ободончилик бошқармаси раҳбарлари бунга нима деркинлар?!

А. АЛИЕВ,
Тошкент шаҳридаги Юнусобод массиви.

ЁРДАМ КЕРАК

Бизнинг қишлоққа ҳали қайта қуриш етиб келгани йўқ ҳисоби. Баъзи раҳбарларимиз ҳамон эскича ишлаяптилар. Соғлиқни сақлаш тўғрисида қайғурадиган масъул ходим топиладими ўзи?

Медпунктимиз авария ҳолатида. Ойналари синган, ичига киришга одам қўрқади. У ердаги шприцларни ўғирлаб кетишган. Бу муассаса газ билан таъминланмаган. Совхоз дирекцияси, қишлоқ Советига медпунктни ремонт қилиб беринг, деб мурожаат қилсак, сенинг медпунктингни ремонт қилиш учун маблағ йўқ, деб чиқариб юборишди. Қизиқ, медпункт бизники эмиш. Ўқишни битириб келган ёш фельдшернинг кирмаган эшиги қолмади. Унга ёрдам қўлини чўзадиган бирор раҳбар ходим топилмаса?

Бир группа ота-оналар номидан:

Ж. ТИЛЯПОВ,
О. МАМАТОВ
ва бошқалар.
Пискент районидаги «Партия XXVI съезди» совхози, Кремль участкаси.

Ивановодан мактуб

ТОЛАМИЗ СИФАТИ ЯХШИМИ?

Қинешем шаҳридаги «Ҳурмат Белгиси» орденли «Красная ветка» йигирув фабрикаси коллективидан республикамиз пахта заводлари меҳнат коллективлари номига пахта толаси маҳсулотларига муносабатни ўзгартиришга даъват этилган мактуб келди. Унда қайд этилишича, заводлардан келтирилаётган пахта толадари турли хас-хуллар билан ифлосланган, шунинг учун ҳам қийим-кечак, газлама ва бошқа материалларнинг сифати кескин ёмонлашмоқда.

Бу фабрика ишлаб чиқараётган маҳсулотларда ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Фабрика коллективи бу меҳнат ва технология интизоми пастлиги, колхоз ва совхозлар назорат органлари томонидан етарли назорат қилинмаётганлиги туфайли юз бераётганлигини таъкидлайди. Иваново области Тошкент область меҳнаткашлари билан узоқ йилдан бери мусобақалашиб келаётир. Адолат юзасидан Тошкент область меҳнаткашлари ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларининг сифатини яхшилаш бўйича ёрдам беришлари лозим.

Мактубни Ўзбекистон Стандартлаш ва метрология маркази сектор бошлиғи Қаҳрамон АБДУҲАКИМОВ шарҳлайди.

— Биз Иваново областининг тўқимачиларнинг мактубида кўтарилган муаммоларга қўшиламиз. Бироқ бу муаммолар бизнингча бир ёқлама кўтарилган. Биз хизмат юзасидан жойларда бўлганимизда пахта етиштириш ва қайта ишлаш барча технологиясида бир қатор нуқсонларга дуч келамиз.

Деҳқон ерни текислаш билан ишни бошлайди. Тупроқ етарли ҳарорат олмаган шароитда чигит экилса, албатта толаларда ҳам мана шу етишмаслик ўз ҳукмини ўтказади. Тола калта ва кам қувватли бўлиши табиий.

Пахтани етиштириб териб оламиз. Кейинчалик у пахта тайёрлаш заводларига келтирилади. Машина, трактор, автоюклагичлардан томган ёғ толага шундай ўрнашиб ладики, қайта ишлаш жараёнида ҳам уни тозалаш қийин.

— Айрим хўжаликлар кўпроқ даромад олиш мақсадида селекция навларини аралаш териб топшириш ҳоллари юз беради, — деб шарҳни давом эттирди марказ инженери **Тамара СОЛИҲОВА.**

— Бу эса тўқимачилик комбинатларида қайта ишлаш пайтида тола сифатининг пастлаб кетиши маълум. Толанинг ўртача узунлиги ва тури қисқаради, қисқаси сифати пасаяди ва чиқинди ҳажми кўпаяди. Бу газламани бўяш пайтида қийинчилик туғдиради. Келгуси йил ҳосил замини — чигит навларини тайёрлашга ҳам таъсир этади.

Пахта бунтлари нотўғри сақланиши оқибатида ҳам унинг ранги ўзгаради. Пахта тозалаш заводларидаги айрим асбоб-ускуналарнинг носоз ишлатилиши толаларнинг ифлосланишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда пахта маҳсулоти сифатини ошириш — пахтачиликда энг муҳим муаммо бўлиб турибди. Бу муаммони ҳал қилишнинг йўлларидан бири маҳсулотни сертификация қилишдир.

Шу мақсадда пойтахтимизда пахтани синаш ва сертификация қилиш маркази ташкил этилган. Бошқаришнинг ягона мустаҳкам автоматик системасини яратиш ва пахта маҳсулоти сифатини назорат қилиш марказнинг асосий мақсад ва вазифалари дир. Бунинг учун пахта маҳсулотлари сертификация бўйича халқаро талаблар асосида назорат қилиняпти.

Ҳозирги пайтда пахта маҳсулотлари сифатини яхшилаш ишлари ўз ҳолича давом этмоқда. Бу ишлар ҳаммамизнинг ишимиз. Ҳаммамиз ҳаракатимизни кучайтирсак, бу ишлар ўз самарасини беради.

«02» хабар қилади

ДИҚҚАТ: АНКЕТА

«Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» газеталари ва Ўзбекистон ССР Адлия министрлиги Сиздан ушбу анкета саволларига жавоб беришингизни илтимос қилади. Сизнинг жавобларингиз, фикр-мулоҳазаларингиз, таклифларингиз ноотариал идоралар, адвокатура ва ЗАГС органлари ишидаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ҳамда аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш йўлларини белгилаб олишга ёрдам беради. Анкеталашнинг якуни ҳамда аниқланган камчиликлар бўйича белгиланган тадбирлар Ўзбекистон ССР Адлия министрлиги масъул ходимлари томонидан шарҳлаб борилади.

1. Марҳамат, қисқача ўзингиз тўғрингизда маълумот беринг: ёшингиз, касбингиз, турар-жойингиз — область, шаҳар, район

2. Нотариал идоралар, юридик консультацияларга, ЗАГС бўлимларининг иш режими Сизни қаноатлантирадими? Агар қаноатлантирмаса, таклифингиз

3. Нотариал идоралар, адвокатура органларига ёрдам сўраб мурожаат қилганмисиз? Сизга кўрсатилган ҳуқуқий ёрдамнинг сифатини қандай баҳолайсиз? Сизга етарли даражада эътибор кўрсатилдими, қабулга кириш учун навбат кутдингизми?

4. Никоҳин, фарзанд туғилишини тантанали равишда қайд қилиш маросими Сизни қаноатлантирадими? Қаноатлантирмаган бўлса, маросимларни такомиллаштириш бўйича қандай таклифларингиз бор?

5. Нотариал идоралар, адвокатура ва ЗАГС органлари томонидан кўрсатилаётган хизмат учун тўланадиган ҳақ юзасидан Сизнинг фикрингиз қандай?

6. Сизнинг фикрингизча, ушбу ташкилотларнинг хизмат хоналари ҳуқуқий хизмат кўрсатишга лозим даражадами?

7. Сиз аҳолига хизмат кўрсатишнинг қандай усулларини қулай деб ҳисоблайсиз; муассаса хонасидами, уйдами, иш жойидами, телефон орқалими, оилавий адвокат орқалими ва ҳоказолар?

8. Сиз гражданларнинг нотариал идоралар, юридик консультацияларга ва ЗАГС бўлимларининг иши тўғрисида хабардорлигини ошириш учун нима қилиш зарур деб ҳисоблайсиз?

9. Нотариал идоралар, юридик консультацияларга ва ЗАГС бўлимлари ишини яхшилаш юзасидан сизнинг таклифларингиз

Тўлдирилган анкетани қуйидаги адрес бўйича жўнатинг: 700186, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон ССР Адлия министрлиги.

ТАСОДИФАН УЗИЛГАН ЎҚ

Андижон область Олтинкўл районидаги «Коммунизм» колхозида яшовчи 16 ёшли М. Ҳаитов отасидан беруҳсат қўштирли ов милтиғини олиб, ҳамқишлоғи С. Қурбонов қўлига тутқазди. Милтиқдан фойдаланиш қоидасидан бехабар ўсмир тасодифан ўқ узиб ўзининг укаси Фарҳодни кўкрагидан оғир яралади. Укасининг ҳаётга ташна кўзларида қотиб қолган сўнгги нигоҳ уни бир умр қийноққа солса керак. Лекин бу воқеа катталарга ҳам сабоқ бўлиб қолади.

Кейинги пайтда қурол ўғирлаш ва уни ишлатиш билан боғлиқ жиноятлар ҳам ички ишлар идораларининг навбатчи қисмлари тайёрлаётган маълумотларда тез-тез учраб турибди. 11 сентябрь куни уч нотаниш киши Тошкент район Тошкент совхози ишчиси Б. Хўжаҳмедовни уйидан чақиришди. Уй эгаси уларнинг олдига чиққанда тўсатдан милтиқдан ўқ отилди. Б. Хўжаҳмедов касалхонага олиб кетилаётганда вафот этди.

Ярим тунда Тошкент шаҳар Чилонзор даҳасидаги 2-маҳалла уйларидан бирида яшовчи II группа инвалиди Р. Исмаев ҳужрасига ойнадан кириб келган кимса ташрифи бежиз эмаслигини тезда маълум қилди. У жисмоний куч ишлатиш таҳдиди билан чўчитиб, Р. Исмаевнинг отасига қарашли иккита ов милтиғини тортиб олди. Деярли худди шу вақтда Қашқадарёдаги дон маҳсулотлари бирлашмасининг 9-омборидаги темир қутидан ҳам милтиқ ўғирланди.

ҲУКМ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

— Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси номидан...

Яқинда Самарқанд область судининг жиноий ишлар бўйича суд ҳайъати ана шу сўзлар билан бошланган ҳукмни ўқиб эшиттирди. Суд 66-ихтисослашган кўчма колонна кранчиси Александр Пак, 94-механизациялашган кўчма колонна суворчиси Рустам Эргашев, Пайариқ район Киров номли совхозидан Қўчқор Сариев, ҳеч қаерда ишламайдиган Дилявер Аджимамбетов, Жамол Содиқов, Владимир Гасанов томонидан содир этилган жиноятни кўриб чиқди.

А. Пак, В. Гасанов, Ж. Содиқов ва Р. Эргашев тил бириктириб Жума шаҳрида истиқомат қилаётган М. Мамедов уйига тунда бостириб киришди. Уй эгасига темир парчаси, болта билан жароҳат етказишди. Улар воқеа юз берган жойда ҳаётдан кўз юмган М. Мамедов уйидан 3,5 минг сўмдан зиёд пул ва қимматбаҳо буюмларни олиб кетишди.

Д. Аджимамбетов шахсий мулкни ўғирлашда, К. Сариев эса боскинчиларга ўғирланган қимматбаҳо буюмлар эвазига гиёҳванд модда сотишда айбланди.

Қилмишлари учун қора курсига ўтирган шахсларга суд тегишли жазо белгилади. В. Гасанов 14 йил, А. Пак 13 йил, Ж. Содиқов 12 йил, Р. Эргашев 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазони кучайтирилган режимдаги ахлоқ тузатиш колониясида ўтаслари кўрсатилди. Д. Аджимамбетов 8 йилга ҳукм этилди. К. Сариев эса 2 йил муддат билан шартли равишда озодликдан маҳрум қилинди.

ТОҲИРНИ КЎРГАН БОРМИ?

Республика ички ишлар идоралари томонидан 1964 йили Тошкент шаҳрида туғилган Тоҳир Нигмонович Қаюмов қидирилмоқда. У шу йил 18 август куни эрталаб соат 10-11 ларда уйдан чиқиб кетган ва дом-даракси йўқолган. Т. Қаюмов III группа инвалиди бўлиб, республика асаб касалликлари клиникасида ҳисобда турарди.

Белгилари: бўйи 157 сантиметр, юзи чўзинчоқ-роқ, пешонасининг чап қошига яқинроқ жойида холи бор, қошлари қалин, кўзлари қора. Эгнига енги калта куйлак, оқ сариқ шим кийган, оёғида жигарранг туфли бор эди.

Т. Қаюмов ҳақида билганларингизни «02» рақамли телефон орқали энг яқин милиция бўлимига хабар беришларингизни сўраймиз.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
Республика Ички ишлар министрлигининг матбуот марказ ходими, милиция капитани.

• Воқеалар • Хабарлар • Шарҳлар — • Якшанба саҳифаси •

• Тарихий лавҳа

БУХОРО ЭЛЧИСИНИНГ

1717 йил 26 октябрида Петербургдаги қишки саройда Россия подшоси Пётр I Бухоро элчиси Хонқули Тўпчибошини қабул қилди.

Ўрта Осиёдан борган элчи ҳақидаги хабарни у бундан бир ярим йил аввал Амстердам сафари чоғида олган эди. Зудлик билан ёзилган хабарда Бухоро элчисининг миллати асли рус эканлиги подшони ҳайратга солди. Ушанда бу, элчига Москва ва Петербургда имкони борича мулозамат қилиб туришни, қайтгач, шахсан ўзи қабул қилишини билдирган. Бухоро элчиси Хонқули Тўпчибоши ва савдогар Эсонбобо билан борган 61 киши Астраханда тантана билан кутиб олинди ва Москвага кузатилди. 1717 йил февраль ойидан май ойигача элчилар Москвада меҳмон бўлиб қолишди. Ёзда элчилик Санкт-Петербургга етиб борди.

...Зарбоф тўн кийиб, кимхоб салла ўраган элчи пойгакда кўринди. Подшога назари тушиши билан таъзим бажо келтирди. Тахт томон уч-тўрт одим ташлаб, тиз чўкди.

— Оҳазрат, Сеид Абдулфайз Муҳаммад Баҳодирхон, — деди тантанали овозда элчи, — Сиз, олампаноҳ подшога чуқур таъзим ила қаршингизда тиз чўкиб, ушбу номани қўйшдек нурли сиймонингизга тақдим этишни лозим топганлар.

Элчи ясовул келтирган қутидан хон номасини олиб, юзқўзига суртди ва эҳтиром ила подшога узатди. Давлат канцлери ўринбосари, маҳфий маслаҳатчи барон Шафиров номани олиб, подшога тутқазди. Тилмоч Муртазо Таваккалов элчи сўзларини таржима қилди. Мулозимлар Бухоро хони туҳфаларини подшо эътиборига ҳавола этишди.

У элчининг илтимос ва таклифларини эътибор билан тинглаб, ўз навбатида Бухоро хони саломатлигини суриштирди. Дипломатик қонун-қоидаларга риоя этган ҳолда қабулни якунлади.

Ўша кун кеч бўлишига қарамасдан Дворян кўчасидаги Меҳмон саройга тушган элчи ва унинг мулозимлари хоналарида шамдонлар ўчмади.

Кутилмаганда Тўпчибоши хонасига подшо кириб келди.

— Салом, Родиков! — подшо шундай дея элчига синовчан боқди.

— Саломат бўлинг, Пётр Алексеевич! Хуш келибсиз!

Пётр ноз-неъматлар қўйилган дастурхон атрофидаги ўриндиққа ҳамроҳи билан ўтирди. У князь Дмитрий Кантемир эди.

Пётр мезбоннинг мовий кўзлари ва мошгуруч соқолига қараб, бу шимол одамининг шарқ қуёшида тобланган чеҳрасига ажабланиб боқди. Қирқ йил бегона диёрда яшашнинг ўзи бўлмайди. Рус капрали Андрей Родиков юртидан узоқда шунча вақт яшаганига қарамай, она тилини унутмабди.

— Олдингга оддий рус кишиси сифатида келдим, Родиков. Ҳамроҳим князь Кантемир ҳам сенга ўхшаш, анча йил Туркияда яшаган. Султон хизматини қилиб, яқинда бизнинг хизматга ўтган.

— Молдавиянинг собиқ ҳукмдори Кантемир жаноблари яхши биламан, — деди Тўпчибоши ва князга бош эгиб сўзида давом этди, — у жаноб рус-турк урушида Сизга катта хизмат кўрсатди. Сиз ҳам ўз навбатида унга катта мурувват қилдингиз, Петр Алексеевич.

Петр ажабланиб суҳбатдошига қараб қолди. Бу капралда гап кўпга ўхшаб қолди. Ҳамма-сидан хабардор.

— Хон ҳазратлари асира швед қизларидан назира этишингизни илтимос қилганлар.

— Чакки эмас дидлари, а? Худди султон каби ҳашаматли ҳарам истасалар керак. Майли, юборамиз. Хўш, Родиков, аввал ўзинг ҳақингда гапир. Кўрган-кечирганларинг, Бухородаги аҳвол...

Тўпчибошн чуқур хўрсинди. Мошгуруч соқолини силаб ўйга чўмди. Нимасини гапирсин? Ўрта Осиёда ўтган қирқ йиллик умрини қай йўсинда изҳор этсин?

Қирқ йил муқаддам Андрей Родиков подшо армияси капрали қалмоқлар билан тўқнашувда асирга олиниб, қул қилиб сотилди. Қуллар карвони Бухорога келганда, савдогар уни бир неча руслар билан хонга тортиқ қилди.

Рус асирларининг Бухорода бозори чаққон бўлиб, улардан шахсий соқчи-хос навкарлар тайёрланар эди. У Субҳонқулихон, кейин Убайдуллахон навкарлари сафида ўттиз йил хизмат қилди. 1711 йили Абдулфайзхон тахтга ўтиргач, унинг унвонини яна ошириб, лашкарбоши этиб тайинланди. Бу йилларда Бухоро хони билан Хива хони ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди. Нималарни кўрмади унинг боши?

Тўпчибоши элчиликка жўнаши олдидан хон огоҳлантириб, унга эркинлик берган. Рус подшоси нимани сўраса, шунга рўй-рост жавоб бериши лозимлигини уқтирган. Абдулфайзхон қудратли рус подшоси билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик хусусида аҳднома тузиш йўлида уни мухтор элчи қилиб жўнатган. Унга бўлган ҳурмат белгиси сифатида 10 нафар рус қулини ватанига қайтарган.

Пётр трубкасини чеккан ҳолда Тўпчибошини диққат билан тинглади. Уни Бухоро хонлиги турмуши, одамлари, ҳаёт тарзи — ҳамма-ҳаммаси қизиқтирарди.

— Россияда қолишни истайсанми?

Пётрнинг қўққисдан берган бу саволи уни сира ажаблантирмади. У ўзи узоқ қўмсаган, йиллаб орзу қилиб етган диёрида турибди. Она тупроғига қадам қўйганига бир ярим йил бўлди. Унинг қанчаданқанча юртдошлари Бухоро, Хива тупроғида қолиб кетишди.

— Таклифингизни қисман қабул қиламан, Пётр Алексеевич. Зинфам билан қизим шу ерда қолишига розилик берсанглиз?

— Ўзинг-чи?

— Афсуским, иродам ва эрким ўзимда эмас, қасамёдим ва бурчим мени Бухорога қайтиб кетишга ундайди. Хон менга ишониб оиламни ҳам қўшиб юборса-ю, қандай қилиб юзига оёқ қўямен?

Пётр ҳиҳолат тортиб, қўлини Родиковнинг елкасига қўйди.

— Кечир, Родиков. Чиндан ҳам мард ва номусли экансан. Илтимосингни ҳондираман. Хотининг ва қизингдан хотиржам бўл.

Россия ҳукмдори улкан режаларни кўзлаб мусулмон дунёси ҳақида Кантемирга асар ёзишни буюрган.

— Саволим бор эди, Пётр Алексеевич, — жимликни бузди Родиков. — Хон ҳазратлари князь Бекович Черкасский сафари ҳақида сизнинг асл мақсадингизни билиш истагидалар.

— Бунинг сири йўқ,— деди Пётр кулиб, — бундан 17 йил муқаддам Хива хони Шоҳниёз рус фуқаролигига олишимни сўраб мурожаат қилган эди. Тўққиз йилдан сўнг унинг ўғли Араб Муҳаммад ҳам отаси илтимосини такрорлади. Ушанда уларга ёрлиқ билан розилигимни билдирдиму, аммо элчилик жўнатишга имкон бўлмади. Шведлар, сўнг турклар билан урушлардан қўлим бўшамади. Энди шунга имконият топдим...

Родиков Россия подшоси билан суҳбатлашар экан, қирқ йил бирга яшаган ўзбек халқига қалбида илиқ меҳр жўш урарди. Ҳеч элидан ёмонлик кўрмади. Қуллиқда ҳам, юксак лавозимга эришганида ҳам у миллати, эътиқодидан қатъи назар барчага бирдек самимий муносабатини сақлаб қолган эди.

Пётр май тўла қадаҳни қўлида ушлаганча ўрнидан турди.

— Мен шу қадаҳни сенинг саломатлигинг учун кўтараман, Родиков, — деди у. — Капрал Родиков эмас, балки полковник, ҳа, ажабланманг, рус армияси полковники Родиков учун! Мен бугун унга шундай унвон бердим.

— Раҳмат, аълоҳазрат, — эҳтиром билан миннатдорчилик билдирди Хонқули Тўпчибоши.

— Хон ўз номасида сени жуда мақтабди ва эҳр ишонч баён этибди. Абдулфайзхон бу хусусда сира янглишмаган, Мен унинг барча илтимосларини бажараман.

* * *

1718 йили 18 февралда Бухоро элчиси юртига тантана билан жўнатилди. Шу йил 13 июлда эса Пётр фармонига кўра Бухорога Фборино Беневени элчи қилиб жўнатилди. Хивага юборилган князь Бекович — Черкасский экспедицияси Шерғози томонидан йўқ қилиниб, унинг қурган қалъалари вайрон қилинди. 1720 йилда хон Пётрдан узр сўраб юборган номасида Россия билан дўстона алоқаларни тиклашга аҳд қилганлигини билдирди. Князь Дмитрий Кантемир 1722 йилда мусулмон дунёсига оид асарини ёзиб Пётрга тақдим этди. Хонқули Тўпчибошнинг хотини ва қизи Вознесенск аёллар монастирида ўз илтимосларига кўра киёф ичида олов ҳудоси бор» деб билар эдилар.

1585 йилда венгер ботанигги Клузий қалампир ўсимлиги таркибини атрофлича тасвирлаб ёзади: у уруғни ўша вақтларда Венгриянн истило қилган турк аскарлари олиб келган бўлсалар керак, деган тахминни билдиради.

Ҳар ҳолда мадёр пазандалигида Европадаги бошқа халқларга нисбатан қалампир анча кўп ишлатилади, бу билан мадёр пазандалигн Шарқ пазандалигига ўхшаб кетади. Нақл қилишларича, Буда шаҳрига ҳоким бўлиб олган турк подшосининг ҳарамида мадёр қизи гўзал Иланка чўри бўлган экан. Венгерлар Буда шаҳрини туркларданқайтариб олганларида бир аскар йигит Иланкани ҳам озод қилади. Озод бўлганлигига миннатдорчилик маъносида гўзал Иланка йигитга ўпич берганида, лабларидан олов чақнагандек бўлиб кетади. Иланка қалампирни овқат еган экан. Йигит билан қиз ҳилват бир қишлоққа бориб яшайдилар, деҳқончилик қилиб қалампир экадилар. Ушандан бери: «Мадёр қизларнинг лабида илоҳий олов ёнади» деган нақл оғиздан-оғизга ўтиб келади.

Қалампирни Тошкентда гармдори, яъни «иссиқ дори» деб аталишида ҳам гап борга ўхшайди.

Карим МАҲМУДОВ.

Қизиқарли пазандалик

«БЎСА»СИ ОЛОВ

Бир вақтлар Европадан Ҳиндистонга борган саёҳатчилар турли дорворлар қаторн қалампирдан ҳам олиб кетадилар. Ҳиндилар қалампирни кўп хил овқатларга қўшар ва айрим касалликларни даволашда ишлатар эканлар. Бу элакланган қип-қизил кукунни европаликлар овқатга сепишга чўчиндилар. Кейинги борган саёҳатчилар уруғидан олиб келадилар ва дастлаб Италияда экадилар, ейиш учун эмас, тувакларда кўкартириб деразаларга қўйишни эп биладилар. Ҳиндилар «қалампир ичида олов ҳудоси бор» деб билар эдилар.

1585 йилда венгер ботанигги Клузий қалампир ўсимлиги таркибини атрофлича тасвирлаб ёзади: у уруғни ўша вақтларда Венгриянн истило қилган турк аскарлари олиб келган бўлсалар керак, деган тахминни билдиради.

Ҳар ҳолда мадёр пазандалигида Европадаги бошқа халқларга нисбатан қалампир анча кўп ишлатилади, бу билан мадёр пазандалигн Шарқ пазандалигига ўхшаб кетади. Нақл қилишларича, Буда шаҳрига ҳоким бўлиб олган турк подшосининг ҳарамида мадёр қизи гўзал Иланка чўри бўлган экан. Венгерлар Буда шаҳрини туркларданқайтариб олганларида бир аскар йигит Иланкани ҳам озод қилади. Озод бўлганлигига миннатдорчилик маъносида гўзал Иланка йигитга ўпич берганида, лабларидан олов чақнагандек бўлиб кетади. Иланка қалампирни овқат еган экан. Йигит билан қиз ҳилват бир қишлоққа бориб яшайдилар, деҳқончилик қилиб қалампир экадилар. Ушандан бери: «Мадёр қизларнинг лабида илоҳий олов ёнади» деган нақл оғиздан-оғизга ўтиб келади.

Қалампирни Тошкентда гармдори, яъни «иссиқ дори» деб аталишида ҳам гап борга ўхшайди.

Карим МАҲМУДОВ.

Қардошлик

БИРИ—БИРИГА УСТОЗ...

Шу кунларда қардош Тожикистон ўлкасининг Ленинобод вилоятида давом этаётган «Дўстлик ва меҳнат оҳанглари» тадбирлари ўзига хос нафосат байрамига айланиб кетди. Бу тадбирларда Ўзбекистон ССРнинг Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг бадиий ҳаваскорлик коллективлари қатнашмоқдалар. Ганч, Нов, Пролетар районлари, Ленинобод шаҳарларида бўлиб ўтган ўзбек ва тожик шеърияти оқшомлари, кўплаб китобхонларни катта даврага чорлади. Унда иккала диёр адибларининг китоблари кўргазмаси намойиш этилди, концертлар берилди.

Дўстлик учрашувлари программасидан ўрин олган барча тадбирларда қайта қуриш, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик намоён бўлмоқда.

Ленинобод шаҳрида очилган «Она диёр жозибаси» кўргазмаси ранг-баранглиги билан зиёратчилар диққатини жалб этмоқда.

Булардан ташқари қардошларимиз диёрида бўлаётган тадбирларда «Сирдарё гулдастаси», «Паркент гуллари» ансамбляридан ташқари Ўзбекистон эстрада санъатининг кўзга кўринган хушовоз хонандалари — республикада хизмат кўрсатган артистлар Р. Шарипова, Ш. Низомуддинов ва бошқалар қатнашмоқдалар.

Юз йил муқаддам

Сирдарё музофотининг военний губернатори жаноб генерал-майор Гродеков Петербург шаҳридаги академияни музейига (музейга) туркман халқининг нийм ва яроқларидан кўб нарсаларни ҳадя қилиб берубдурлар. Ул нарсаларнинг ҳаммаси Амударёнинг чап тарафида юрган кўчкунчи туркманлардин олинган экан:

Баъзи кийимлари таажжуб, чиройлик эмиш, чунончи хотунлар бошига тоқадурғон баланд ва кенг устида кумушдин ҳарҳил солинчоқлар қилинғон ва ҳам пишонага тоқодурғон кумуш попуклари ҳам таажжуб эмиш. Кумушдин зеан қилинғон зирак ва билакузук ва ангуштона ва соч попуклари бағзиларига қиймат баҳо тош ўтқўзғон эмиш ва мазкур туркман дин ва кумуш чапқон (коплаган) пичоқлар экан. Туркман асбоблари ал ҳол ул музида йўқ эрди, шул сабабдин жаноби генерал-майор Гродеков туркманлар шаҳри Кўктепа олинғондан сўнгра тез фурсат ичида масжиду мадрасалардин Россия аскари топиб олган битма (қўл ёзма) китобларни Россиянинг ичкари шаҳарларига юборгондурлар, Ул тариқа қиймат баҳо китоблар ушбу вақтда Масков шаҳридаги Лазаревский деган катта мадрасададур.

Жаноб генерал-мейор Гродековнинг бу тариқа ҳадиялари учун академиянинг мутасаддийлари ул жанобдин кўб миннатдор бўладурлар.

«Туркистон вилоятининг газети» 1888 йил 2 декабрь.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ тўплаган.

ПЕТЕРБУРГ

Абдулла Қодирий бисотидан

ТОШПЎЛАТ ТАЖАНГ НИМА ДЕЙДИ?

(Чаланлар ҳаётидан)

Мана, шу замонинг ҳезалакларига сира тушунолмадим-да. Бупармнгинг на мансабига мен қойил, на ҳукуматига! Шу нинр-чиқирларнгнн, шу шопушалоп таққанларнгнн писанд қилсам Жамшиднинг арвойи...

Бу нима ўзи! Ҳудой ҳаққи тушунсам... бунисасини!! Муртимни кўтариб турай, ўтиб кетсуні!... Эски жўвасидан яғрни ташлаб ўтар эдим: избошкасига тескари ўлтуруб, телпакчасини чаккачасига қўймача қилуб бир ҳезалак ўта-қолдику. Ўз кўнглида олифта шекилик. Вой, дедим: вой сани ўша олифта қилуб тўққаник... дедим, олифталикка... қилдингми, дедим. Ишингдан қолма, ўша олуб берган шаҳрнгни полкачанга солуб бераГі..

Хабаринг йўқ ҳали. Маҳкам полвон, неча исполкомидаги ҳезимкашларинг «канасиртига» бориб қолубман... санга ёлғон худога чин; нуқул ҳез, нуқул толмача... вой ўлай-кутлай, дебман... битта ҳезалак, олифта сумол ўзи, битта отничага осилгон бўладир... вой шўрим қурсун дедим. Хозирги ёшлар ҳам ёқмайдир, тисс, дейдн. Сўрайлмиз дедн. Сан айтчи, Маҳкам! Тисс, деганн нима бу ҳезларнгнинг... Одам боласидан қўрқсам ҳар нарса дегин, Маҳкам! Пинагимни бузмай, тараламни тортуб ашуламни айтиб ўлтурабердни... Бизда пул йўқмі! Биз нима бериб «канасиртига» нкрдик, пулмнхазонмі! Айтчи ўзинг!!

Ҳой, қизим бош! Чойнгнин катоб қил, ҳозир!

Бу нши бузуқларнинг нима дейдн, а! Анав кун битта тўқ-куз қайтканн маъракага чиқуб худо йўқ дер эмиш-а!!.. Шарнати Мустафо қўш қўллаб урмасмнкнлар! Уламоларинг ҳам сўзга ўрнитк, ўша ҳунн... пнрнгнинг арвойн, ўша маъракада мен бўлмапман-да! Бўлмаса-чи, нах калласнни шартта олуб, нчагнн салла қилар эдим, тўққиз қайтаннгнн...

Худой ҳаққи, замонангга тушунсам, тушунсам, шу мусулмонларнгдан ҳам кўнглум қайтуб қолди!

— Ҳой, қизлбош! Битта табассин ясаб ташла, пнрнгнинг арвойм! Галавам айнадн... жаво!?

Жаво-жавоси билан,
Чилим садоси билан!
Амма ҳоласи билан,
Жиян тоғоси билан!...

Ҳай Маҳкам. Бу кун тосин қаерга қурамиз, а!...

Оқизмадим, томизмадим:
ЖУЛҚУНБОЙ.

1) Бунисе — милиция демоқчи.

2) Тошпўлат тажанг томонидан чойхоначига берилган исм.

3) Жаво — нашага кел: деган сўз, Бангилар ўз истилоҳи.

(Шу пайтгача А. Қодирий тўпламларига кирмаган бу ҳажвиянн редакцияга адибнинг невараси Шерхон Қодирий тақдим этди).

Азим Тошкентда табаррук отахон ва онахонлар ҳамиша иззат ва ҳурматда. Улар ҳнри-бадавлат кишилардирлар. Уваларжували бўлиб, қўш-қўш келин ва нуёвлар кўриб, пиру-бадавлат бўлишган.

Суратда: маросимдан лавҳалар.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.

Бу ажаб дунё

АНТИҚА ҚОБИЛИЯТЛИ ОДАМЛАР

Фан ва матбуот экстросенсларни ёлғончилик дуохонлик ва товламачиликда айблаб, обрўсизлантириб келди. Турли даврда улар турлича — сеҳргар, биорадиологлар, деб аталди. Гап уларнинг номланишида эмас. Бу ғаройиб ҳодисани тушуниш ҳамда тушунтириб бериш қийин кечаётган бўлса-да, аслида бор гап. Мўъжизани рад этиш мумкин — бу томондан ҳар доим ғолиб бўлиб келдик. Бироқ унга ишониб, тушунтириб беришга интилишимиз керак. Мен сўнгги фикр тарафдориман. Экстросенсларнинг истеъдоднни ўрганиш керак. Ҳақиқатан ҳам у биоэлектрик моддийликка эга, аммо ҳозирда бунн кузатиб, тушунтириб берадиган ўлчов асбобининг ўзи йўқ. Зеро Москвадаги Иттифоқ илмий ва инженерлик жамиятлари бошқармаси қошида муваффақиятли ишлаб турган табиатдаги энергия-ахборотни ўзаро айирбошлаш комитети бундай ғайрибот ҳодисалар ҳақида маълумот тўплаб, уни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан шуғулланмоқда.

Бизнинг республикамизда ҳам бундай ажойиб қобилият соҳиблари борми? Бор! Улар кўпчиликни ташкил этади. Улар орасида врачлар ва журналистлар, ишчи ва муаллимлар, колхозчи ва инженерлар, олим ҳамда аҳолининг турли социал қатламига мансуб ҳар хил касб эгаларн бор. Бу кишиларнинг баъзи бирлари беморларни даволаш билан шуғулланмоқдалар.

Шундай бўлса ҳам республика инженерлик ва илмий-техникавий жамият ғайритабиий қобилиятли одамларни кўпчиликнинг манфаати йўлида ўрганиб, амалда қўлланяпти, ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак берянти. Ҳозир республика илмий ва инженерлик жамияти правлениеси қошида ташкил этилган комитетнинг ташаббускор группаси табиатда бўладиган ғаройиб ҳодисаларни ўрганиб боряпти. Бу комитет Тошкент шаҳридаги экстросенслар ҳамда ўзидаги ғайри-табиий қобилиятини ривожлантиришни хоҳловчи кишиларнинг норасмий гуруҳларини бирлаштиради. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси институтлари, Соғлиқни сақлаш министрлиги, «Фан ва турмуш» ҳамда «Ёшлик» журналлари қошида группалар ташкил этилмоқда. Тошкент Техника уйида пойтахт экстросенслари ҳамда бир қанча область шаҳарларининг бундай ташаббускор группалари билан бўлиб ўтган учрашувлардан сўнг шундай комитет тузишга қарор қилинди. У комитет раиси — биология фанлари номзоди, экстросенс С. Х. Неъматов, раис ўринбосари — журналист Р. Обидов, комитет аъзолари — экстросенслардан З. А. Жапақова, М. С. Солаев, тадқиқотчи Э. Холмуҳамедовдан иборат.

Комитетнинг яқин орадаги вазифаси — Ўзбекистон экстросенслари иттифоқини тузиш ва унинг устав ва программасини ишлаб чиқиш. Мақсадга кўра, экстросенслар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлиги назорати остида, улар учун алоҳида ажратилган тўловли медицина шифохоналарида ишлай бошлайдилар. Шу тариқа ғайритабиий қобилиятли кишиларга беморларни даволаш учун қулай шароит яратиб берилади.

Бундай қобилиятга эга ҳар қандай киши беморга психопрофилактик ёрдам бера оладими? Айрим ҳолларда мумкин, дейишади. Мен бунга шундай жавоб берган бўлардим: ички ишонмаслик ғовини енгиб ўта оладиган қобилияти бор, ўзидан биоэнергия тарата оладиган, жисмонан соғлом, насл сурувчи касаллик билан оғримаган 30 дан 50 ёшлар орасидаги, амал ҳамда катта обрў орттиришга кўр-кўрона сажда қилмайдиган кишиларнинг қўлидан келади.

Биз, албатта уларнинг ҳар қайсисига қобилиятини тўла ишга солиши ҳамда беморларни даволаши учун муносиб шароит яратиб берамиз.

Ҳозирча биз Москвадаги ижодкор ёшларнинг «Алгоритм» илмий-техникавий марказида амал қилаётган экстросенслар қобилиятини синаб кўрадиган пухта илмий-техника билан таъминлай олмаймиз, бироқ бундай қобилиятни намоён эта олган, беморларни руҳий даволаш қўлидан келадиган кишилар ҳақида маълумот тўпловчи банк тузиш режалаштирилмоқда.

Ким ўзида бундай қобилият борлигини билса, хат орқали ўзи ҳақидаги маълумотларни қуйидаги адресга юборишлари мумкин:

Тошкент, 700046, Ленинград кўчаси, 46-уй, 17-хона.

СССР Илмий ва инженерлик жамиятлари союзининг Ўзбекистон республика правлениеси.

Тошкент шаҳрида яшовчилар маълумотларни ҳар душанба куни соат 16 дан 20 гача юқоридаги адресдан олишлари мумкин.

Справка учун телефон: 33-11-44.

Д. ИСМАТУЛЛАЕВ.

Санъат оламида

СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

Ўзбек бадиий кинематографчилари қандай ижодий изланишлар билан банд! Мароқли фильмлари билан элга танилган таниқли кинорежиссёрлар айни кунларда қандай картиналарни экранлаштирмоқда! Умидли ёш ижодкорлар-чи! Мухбиримиз ана шундай саволлар билан К. Ерматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси директори А. ХУЖАЕВга мурожаат қилди.

— Аввало, коллективимиздаги ўзгаришлар ҳақида қисқача гапириб ўтай, — деди А. Ҳўжаев. — Янгиликлардан бири шуки, сценарий-редакцион коллегия тугатилиб, учта бадиий уюшма тузилди. Унга таниқли санъаткорлар раҳбарлик қилишпти. Уюшмаларнинг асосий мақсади — ҳар томонлама баркамол фильмлар яратиш, уларнинг келажаги чиқарадиган маҳсулотларига боғлиқ. Шу боис, бадиий уюшмалар ўртасида бегараз ўзаро ижодий мусобақа давом этиши турган гап. Иккинчидан, эндиги картиналаримизнинг деярли барчаси ўзбек тилида суратга олинади. Республикамиздаги турли маданий ташкилотлар билан алоқани тубдан яхшилашга интиляпмиз Масалан, Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш республика жамияти билан ҳамкорликда 15 серийдан иборат бадиий-ҳужжатли кинополотно яратишга қарор қилдик. Унда Ўзбекистон тарихи, маданияти боғчоларн, обидалари, улуг сиймолари ҳақида ҳикоя қилиниши керак.

Энди ҳозир экранлаштирилаётган фильмлар ҳақида. Маълумки, Элёр Эшмуҳамедовнинг «Фалажлик» бадиий картинаси республикамиз маданиятида ўзига хос воқеа сифатида кутиб олинди. Фильм бошқа қардош республикаларда ҳам намойиш этилмоқда. Унга киношунослар ва санъаткорлар юксак баҳо беришди. Ана шу мулоҳазалар орасида кинолентани кенгайтириш тўғрисида ҳам фикрлар бўлган эди. Қолаверса, режиссёрнинг ўзи ҳам фильмни давом эттиришни хоҳлади. Натижада сценарий ёзилди. Айни кунларда «Фалажлик»нинг тўрт серияли телевариантн суратга олинмоқда. Унда аввалги картинада тасвирланган жиноятчилик, порахўрлик, хуллас, камчиликларнинг сабаблари янада чуқурроқ, янада кенгроқ очиб берилиши керак. Воқелик республикадан ташқарида ҳам давом этади.

Ёш режиссёр Санжар Бобоев «Барханлар» фильмини Владимир Соколов сценарийси асосида экранлаштирмоқда. Асарда оилавий, ахлоқий-маънавий масалалар тасвирланади. Картина яқин кунларда нихоясига етади. Собир Назармуҳамедовнинг фильми эса болалар ҳаёти ҳақидадир. Ф. Камолов сценарийси асосида суратга олинаётган ушбу қартинада ҳозирга қадар унчалик эътибор берилмай келинган, оддий ҳаёт саналган ахлоқ тузатиш лагери ҳаёти хусусида мулоҳаза юритилади. Педагогик тарбия мавзуни ўзига хос талқин қиладиган бу фильм халқимизга манзур бўладиган даражада экранлаштирилади, деган умиддамиз.

Кинорежиссёр Фарид Давлетшин Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Темур Пўлатов асари асосида «Кўздан гойиб бўлган» бадиий фильми устида ишламоқда. «Амирнинг сирли саёҳати» картинаси билан томошабинлар эътиборига тушган ёш санъаткорнинг иккинчи фильмида қардош республикалардан таклиф қилинган таниқли актёр ва актрисалар иштирок этмоқдалар.

Оригинал фильмлари билан томошабинларни, халқимизни мафтун этиб келаётган режиссёр Ҳожи Аҳмар республикамизда биринчи бўлиб фантастик фильм яратяпти. «Уран» операциясининг йўлдоши» деб номланган бу асарга ёзувчи В. Беляевнинг китобхонларга таниш бўлган машҳур қиссаси асос бўлмоқда.

Марокашлик кинематографчилар билан ҳамкорликда бадиий фильм суратга олямиз. Режиссёр Бенбарк билан Учқун Назаров биргаликда ишлаётган фильм ва кинолента тарихий мавзудадир. Унда Марокашнинг тарихи, озодлик учун кураши, мамлакат тақдирида муҳим роль ўйнаган шахсларнинг ҳаёти тўғрисида сўз боради.

Суратга олинаётган фильмларда Наби Раҳимов, Мурод Ражабов, Шуҳрат Эргашев, Ҳусан Шарипов, Дилором Қамбарова, Рустам Саъдуллаев, Машраб Кимсанов, Ирина Шевчук (Москва), Ота Муҳаммаджонов, Маҳмуд Тоҳирий (Тожикистон), Марина Старих (Ленинград) каби актёр-актрисалар асосий ролларни ижро этмоқдалар.

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

Республикамиз пойтахтида театр-студияларнинг Халқаро фестивали давом этмоқда. Бу ижодий кўрикни В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг «Маятник» ёшлар ижодий бирлашмасининг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Фестивалда Чехословакия, ГФР, Голландия ва бошқа хорижий мамлакатларнинг коллективлари ҳам ўз асарлари билан қатнашмоқдалар. Совет театр-студиялари вакиллари сифатида қатнашаётган «Гунго» (Ленинград), «Ижодий устахоналар» (РСФСР), «Парк» (Новосибирск), «Гаудеамус» (Львов) бадиий коллективлари репертуарларидаги энг яхши спектакларни намойиш этмоқдалар. Меҳмонлар эса, меҳмонлар ва санъат мухлисларига «Алла» спектаклини кўрсатишди. Тошкентнинг «БИС-302», Қаршининг «Мулоқот» театр-студиялари ҳам фестиваль қатнашчиларидир.

— Фестиваль ижодий алоқа ва ҳамкорликларни мустаҳкамлашга қолмай, дўстлик, биродарлик ишига ҳам катта ҳисса қўшади, — дейди ижодий кўрик режиссёри В. Бушлер.

МУҲАББАТ НАВОСИ

Уч кун бурун Муқимий номидаги Ўзбек Давлат музикали театри «Гул ва Наврўз» спектакли билан ўзининг эллик биринчи мавсумини бошлаган эди. Бугун у ўз мухлисларини янги спектакль премьерасига таклиф этмоқда.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом ва композитор Шоҳида Шоҳмардонова яратган бу музикали асар «Муҳаббат навоси» деб аталади. Унда СССР, Ўзбекистон ССР ва Хитой дўстлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Таниқли режиссёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев раҳбарлигида саҳналаштирилган бу спектаклнинг бош қаҳрамони Хитойда яшайдиган уйғур халқининг фарзанди — шоир, бастакор ва маърифатпарвар Омонисодир.

МЕҲНАТКАШЛАР ҲУЗУРИДА

Яқинда ўзининг янги мавсумини бошлаган Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театри Тошкент областининг бешта районида кўрсатдилар. Айни вақтда меҳнаткашлар, санъат мухлислари билан қизиқарли учрашувлар бўляпти.

Актёрлар ижодий сафарга — меҳнаткашлар даврасига репертуарларидаги энг яхши спектакллар билан чиққанлар. Булар «Инқилоб тонги», «Келинлар қўзғолони», «Куёв», «Зебунисо», «Олтин девор», «Отелло», «Ҳар тўқисда бир айб» каби драма ва комедиялардир. Ҳамзачилар бу асарлардан парчаларни ҳозиргача областнинг бешта районида кўрсатдилар, Айни вақтда меҳнаткашлар, санъат мухлислари билан қизиқарли учрашувлар бўляпти.

САФАРИ

Сўзсиз сурат.

Рассом Сергей ЧАЙКУН.

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

Р. — 06001. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри Б. — 214. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12